جديد

2026-yil 20-noyabr
№ 47 (151)
www.jadid.uz

Tilda, fikrda, işda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

@Jadidrasmiy @Jadidmediauz @Jadidrasmiy @Jadid_uz

ЕТТИКУНЛИК

ЎМОНДАН ТО НАМАНГАНГАЧА



Ўтаётган ҳафта мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлиб, халқаро дипломатиядаги тарихий бурилишлар, ҳудудий тараққиёт ҳамда замонавий урбанизация жараёнларини қамраб олди. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган йиғилишлар ҳамда хорижга амалга оширилган давлат ташрифи Ўзбекистоннинг ҳам миллий, ҳам халқаро майдондаги изчил ривожланиш йўлини яққол намоён этди. Ҳафтанинг асосий воқеаларини тўртта устувор йўналиш кесимида таҳлил қилиш мумкин.

УММОНГА ЙЎЛ

Давлатимиз раҳбарининг 16-17 ноябрь кунлари Ўмон Султонлигига амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни расман стратегик шериклик даражасига кўтарди. Султон Ҳайсам бин Тариқ Ол Саид билан музокаралар якунида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги битим ҳамда визасиз режим, имтиёзли савдо ва саноат кооперациясига оид 30 дан ортиқ ҳужжат ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди. Масқатда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги битим икки давлат муносабатларини оддий дўстона ҳамкорлик мақомидан тизимли ва узоқ муддатли даражага кўтарган тарихий ҳужжат бўлди.

Стратегик шериклик Ўзбекистонга Ҳинд уммонига логистика йўлаги орқали тўғридан-тўғри чиқиш имкониятини ҳам беради. Ўзбекистон учун Ўмоннинг Соҳар, Дуқм ва Салала портлари муҳим аҳамият касб этади. Битим доирасида Соҳар эркин иқтисодий зонасида логистика маркази ва қўшма компания тузилиши ўзбек маҳсулотларининг Кўрфаздаги араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Жанубий Осиё ва Шарқий Африка бозорларига энг қисқа ва арзон йўл билан чиқишини таъминлайди. Шунингдек, “Ўзбекистон – Ўмон инвестиция компанияси” капиталининг 500 миллион долларга етказилиши 5 миллиард долларлик лойиҳалар пакетини реал молиявий манба билан таъминлайди. Бу маблағлар саноат, тоғ-кон, кимё ва инфратузилма объектларига бевосита йўналтирилади.

“Янги Тошкент”да ўмонлик сармоядорлар иштирокида “Масқат” замонавий мавзеси барпо этилиши қурилиш соҳасига янги инвестиция ва илғор араб меъморчилиги технологияларини олиб келади. Икки давлат фуқаролари учун виза талаби бекор қилингани ва тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилгани сабабли, сайёҳлар, зиёратчилар, тадбиркорлар ва талабаларнинг ҳаракатланиши осонлашади.

Иқлими қурғоқчил ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксариятини импорт қилувчи Ўмон учун Ўзбекистон сифатли мева-сабзавот, полиз, дуккакли маҳсулотлар ва қайта ишланган озиқ-овқатни барқарор етказиб берувчи ишончли ҳамкорга айланади. Ўмоннинг хомашё ва капиталини Ўзбекистоннинг саноат ҳамда муҳандислик базаси билан бирлаштириб, электротехника, тоғ-кон ва ҳатто, космик соҳаларда қўшма корхоналар тузишдан ҳар икки томон ҳам манфаат кўради. Битимнинг ҳақиқий қиймати шундаки, у икки мамлакат тараққиётини йиллар ва ўн йилликлар давомида ўзаро манфаатли умумий иқтисодий занжир орқали боғлайди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Ўмон ўртасида саноат кооперацияси, молия ва иқтисодиёт, имтиёзли савдо, эркин иқтисодий зоналар, божхона, транспорт-логистика, коммуникациялар ва ахборот технологиялари, уй-жой ва шаҳарсозлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, меҳнат ва инсон ресурслари, таълим, маданият ва спорт, бошқарув ва давлат хизмати, архивлаштириш ҳамда бошқа соҳалар бўйича қабул қилинган 30 дан зиёд ҳужжат ҳам дўстона муносабатларни янги босқичга олиб чиқади.

(Давоми 2-саҳифада).

ЁРУҒ ХОТИРАЛАР



Шахмат абадийдир,
шеър ҳам абадий,
Юриш тугамас-у
сўз бўлмас тамом.
Шахмат тахтасида,
шеър майдонида
Ғоялар кураши
этади давом...

Эркин ВОҲИДОВ

Шахмат ҳам, шеър ҳам абадий...

Бугун эл-юртимиз кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида эришилган тарихий ғалаба шукуҳи билан яшамоқда. Ватанимизнинг моҳир шахматчилари 200 дан зиёд мамлакатдан келган 2 мингга яқин энг кучли ва машҳур гроссмейстерлар, номдор жамоалар иштирок этган муросасиз беллашувларда юксак ирода ва ақл-заковатини намойиш этиб, икки карра олимпиада чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритдилар. Мана шундай қувончли лаҳзаларда Янги Ўзбекистоннинг шижоатли ёшлари учун чинакам ибрат ва намуна бўлмиш улуғ зотларимиз хотираларини эҳтиром билан ёдга олиш ўринлидир.

(Давоми 7-саҳифада).

АДИБ КУТУБХОНАСИ



УЛКАН ХАЗИНА

(3-саҳифада ўқинг).

ФАН ВА ҲАЁТ

ИЗЛАНИШДАН НАТИЖАГА



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор Миртемир ҚУРБОНОВ билан суҳбат

ЭЪТИРОФ – ШАРАФ ВА МАСЪУЛИЯТ

Жорий йил Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан юксак давлат мукофоти – “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор” фахрий унвонига лойиқ кўрилдим. Давлатимиз томонидан кўп йиллик меҳнатимизнинг эътироф этилиши, бир томондан, катта шараф бўлса, иккинчи томондан, янада жиддий масъулият юклайди. Бу эътироф нафақат менинг, балки ЎзФА Ион-плазма ва лазер технологиялари институти илмий жамоасининг ҳамжиҳатликдаги меҳнатлари ҳосиласидир. Чунки илм-фанда катта натижаларга бир кишининг саъй-ҳаракати билан эмас, балки бутун жамоанинг изланишлари орқали эришилади. Илмий натижаларни қўлга киритиш учун кўплаб тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказиш, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш талаб этилади.

Шу маънода, ушбу фахрий унвонни ҳамкасбларим билан биргаликда олиб борган изланишларимизга берилган юксак баҳо сифатида қабул қиламан. Бу эътироф келгусида ҳам илм-фан ривожи ва мамлакатимиз тараққиёти йўлида янада самарали ишлашга ундайди.

(Давоми 5-саҳифада).

ФАКТ

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 ноябрь куни Туркия Республикаси Вице-президенти Жавдат Йилмаз бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева “Aman Group” раиси Владислав Доронин ҳамда “Capital Group” директорлар кенгаши раиси Павел Тё билан Бухорода туризм соҳасини ривожлантириш юзасидан фикр алмашди.**
- **Ўзбекистон Сеул шаҳрида ўтадиган Глобал тадқиқот кенгашининг Осиё-Тинч океани минтақавий йиғилишида илк бор ҳамкор ташкилот сифатида иштирок этади.**
- **2026 йилнинг январь-октябрь ойларида 61 736 нафар чет эл фуқароси даволаниш мақсадида Ўзбекистонга келган.**

ВАТАН МАНЗУМАСИ

Даъват

Кундуз юриб ёздим, тун туриб ёздим,
Ёзганда кўксимга тиғ уриб ёздим.
Дардларимга сиёҳ кор қилмай қолгач,
Қаламни қонимга ботириб ёздим.
Қон асли ёруғлик. Ёруғлан, тиз чўк,
Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.
Қанча қонинг бўлса – Ватан учун тўк,
Қанча шонинг бўлса – Ватанни кўтар!

* * *

Ҳозирлан, бир шиддат, шаҳд келаётир,
Йўлда сенмас. Кўк дарахт келаётир.
Ватан деб аталмиш қадргоҳларда
Байроқдай ҳилпирар вақт келаётир!

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

ИНСОН ҚАДРИ



ТАҚДИРЛАР ЎЗГАРМОҚДА

ҲАЁТ ЙЎЛИНИ ЎЗГАРТИРИШ МУМКИНМИ? ҲА, ЧОРРАҲАЛАРДА ЙЎЛ ТАНЛАШ ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ҲУКМИДА. БУ ЖАРАЁНДА ИМКОН БЕРИЛСА, БАС.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН ЖОРИЙ ҚИЛИНГАН “ИККИНЧИ ИМКОН” ЛОЙИҲАСИ МАҲКУМЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТ ЯРАТИБ БЕРАЁТГАНИ РОСТ.



(Давоми 2-саҳифада).

ЎМОНДАН ТО НАМАНГАНГАЧА

Бошланиши 1-саҳифада.

Эришилган келишувлар Ўзбекистон тараққиётида стратегик аҳамият касб этиб, Ўмон капитали ва тўғридан-тўғри инвестициялари ҳисобига янги корхоналар ҳамда юқори маошли иш ўринларини яратиш имконини беради. Шунингдек, нефть-газ-кимё саноати ва рақамли иқтисодиётни модернизация қилишда ўмонлик мутахассисларнинг илғор тажрибаси асосида саноат тармоқларини



технологик жиҳатдан янгилашга хизмат қилади. Шавкат Мирзиёевнинг Ўмон Султонлигига амалга оширган давлат ташрифи Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кўп қиррали, прагматик ва фаол хусусият касб этиб бораётганини яна бир бор исботлади.

УРБАНИЗАЦИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ УЙҒУНЛАШГАНДА

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида “Янги Тошкент” қурилишини жадаллаштириш ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилиш мамлакатимизда кечаётган урбанизация ва экология сиёсатининг туб моҳиятини очиб берди. Ушбу йиғилиш бир қарашда икки хил – қурилиш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига бағишлангандек кўринса-да, аслида, улар ягона мақсадга – халқимиз учун қулай, хавфсиз, соғлом ва замонавий яшаш муҳитини яратишга қаратилган. Мулоқотда тизимли муаммолар очиқ айтилиб, фаолиятни тубдан ўзгартириш бўйича қатъий талаблар қўйилди.

“Янги Тошкент” – Ўзбекистоннинг эртанги шаҳарсозлик маданияти ва муҳандислик салоҳиятини намойиш этадиган мегалойиҳа. Шу маънода, Президентимиз томонидан ушбу қурилиш устидан ҳар ойлик ва ҳар бир лойиҳа бўйича кунлик манзилли назорат тизимининг ўрнатилаётгани бежиз эмас. Бундай кўламдаги лойиҳаларда лоқайдлик ёки сунъий бюрократик тўсиқларга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Йиғилишда илгари сурилган учта принципиал жиҳат алоҳида эътиборга молик. Биринчидан, инфратузилма бинодан олдин барпо этилиши шартлиги қатъий белгиланди. Одатда, шаҳарсозликдаги энг катта хато аввал бинолар қад ростлаб, сўнг йўл қурилиши, сув ва электр тармоқлари тортилишидир. Давлатимиз раҳбари бу амалиётни қатъий рад этиб, уй-жойлар фойдаланишга топширилгунга қадар коммунал ва транспорт инфратузилмаси 100 фоиз тайёр бўлиши талабини қўйди. Бу чора одамлар кўчиб келганидан кейин муаммолар гирдобида қолмаслигининг кафолатидир. Иккинчидан, кўп функцияли ҳудуд концепцияси илгари сурилди. Вилоятларга бириктирилган ерларда фақат турар жой қуриш билан чекланиш тақиқланди. Ҳар бир секторда бизнес марказлари, меҳмонхоналар, мактаб, боғча, клиника, маданият ва истироҳат масканлари мужассам бўлиши керак. Ушбу талаб аҳолининг кундалик эҳтиёжлари билан боғлиқ ортиқча транспорт ҳаракати ва тирбандликларни камайтиради, пиёдалар учун қулай муҳит яратади. Учинчидан, “яшил қурилиш” стандарти ва рақобат зарурлиги ғояси кун тартибига қўйилди. Янги шаҳардаги ҳар бир иншоот энергия тежамкор, замонавий экологик стандартларга мос бўлиши керак. Вилоятлар ўртасидаги соғлом рақобат эса ҳудудларни бир хил қолипда эмас, миллий ва замонавий меъморчилик уйғунлашган ўзига хос қиёфада барпо этишга туртки беради.

Йиғилишнинг танқидий қисми “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижросига қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қатъий позицияси жамоатчилик истакларига мос келди. Тан олиш керак, дарахт экишда қўшиб ёзиш ва сохта рақамлар кўзга ташланарди. Баҳорда экилган кўчатларнинг учдан бир қисми қуриб қолгани, Тошкент, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ишлар сустлиги, энг ачинарлиси, экилмаган кўчатларни ҳисоботларга киритиш ҳолатлари очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилди. Бундан буён кўчат экишда сон эмас, балки унинг кўкариб, дарахтга айланиши бош талаб бўлади. Суғориш тизими бўлмаган жойга кўчат қадаб, уни ташлаб кетиш амалиётига чек қўйилади.

Бундан ташқари, табиий шароитимизга мос келмайдиган, кўп сув талаб қилувчи қимматбаҳо газонлар ўрнига иқлимга чидамли маҳаллий буталар, дарахтлар, райҳон, жамбил каби анъанавий ўсимликларни экиш ташаббуси илмий жиҳатдан асосли ва тўғри қарордир. Ҳар бир маҳаллада аҳоли жон бошига камида уч тупдан кўчат экиш вазифаси лойиҳани халқчил ҳаракатга айлантиради. Бунда маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ва ўрмон хўжалиги ходимлари масъулиятни ўз зиммасига олиши, экилган ҳар бир ниҳолга эгалик қилиши лозим. Президентимиз ўтказган бу йиғилиш барча бўғиндаги раҳбарлар учун жиддий огоҳлантириш бўлди.

ҲАР БИР ЙЎНАЛИШ ЭЪТИБОРДА

Президент раислигида 18 ноябрь куни Наманган вилоятида ислоҳотлар натижадорлигини ошириш ва инвестиция лойиҳаларини жадаллаштиришга бағишлаб ўтказилган йиғилиш умуммиллий ўсиш ҳудудларнинг фаоллигига боғлиқ эканини кўрсатди. Ўзбекистон иқтисодиётининг бугунги ривожланиш суръати ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос имкониятларидан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда. Таъкидлаш жоизки, Наманган вилояти иқтисодий салоҳиятини ошириш бўйича белгиланган кўрсаткичлар юксак. Жорий йил якунига қадар хорижий инвестицияларни 5,4 миллиард долларга, экспортни эса 1,2 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Келгуси йилда иқтисодиётни 9,5 фоизга ўстириш мақсади қўйилган бўлиб, бунинг учун умумий қиймати 5,4 миллиард долларлик аниқ лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Вилоятда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар – Наманган халқаро аэропортини модернизация қилиш ва янги карго инфратузилмасини барпо этиш ҳудуд экспорт-импорт имкониятларини глобал даражага олиб чиқади. Тўқимачилик бўёқлари ишлаб чиқариш, чиқиндилардан электр энергияси олиш, базальтдан иссиқлик сақловчи материаллар тайёрлаш каби лойиҳалар вилоят саноати хомашё йўналишидан юқори технологияли ишлаб чиқаришга ўтаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, 183 минг гектар ер майдонидан самарали фойдаланиш, маҳсулотни фақат етиштириш эмас, уни чуқур қайта ишлаш орқали экспортбоп товарга айлантириш асосий вазифа этиб белгиланди.

Йиғилишда вилоятдаги 786 минг нафар ёшнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга устувор эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг келгуси йилда 10 минг нафар ёшни Германия ва Япониядаги юқори даромадли иш ўринларига мақсадли тайёрлаш тоғфатида эмас, балки юқори малакали мутахассис сифатида халқаро меҳнат бозорига олиб чиқиш стратегиясини ифодалайди. “Янги Наманган” шаҳарчасидаги 50 минг хонадонга мўлжалланган турар жойлар қурилиши ва у ерда барпо этилаётган ижтимоий объектлар аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Туризм соҳасида “Арашан” мажмуаси ва “Қамчиқ” тоғ дам олиш маскани



лойиҳалари вилоятни сайёҳлар учун жозибали манзилга айлантиради.

ИШБИЛАРМОНЛИК МУЛОҚОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида бўлиб ўтган Ўзбекистон–Туркия бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича юқори даражадаги кенгашнинг биринчи йиғилиши икки давлат ишбилармон доиралари ўртасидаги амалий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу мулоқот майдони ўзаро ишончга асосланган сармоявий шерикликни янада кенгайтириш, йирик қўшма ташаббусларни тизимли равишда қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари туркиялик инвесторларни “Янги Тошкент” қурилиши ҳамда йирик инфратузилма лойиҳаларида фаол иштирок этишга чақирди. Хусусан, янги шаҳарда тижорат ва турар жой мажмуалари, меҳмонхоналар, таълим ва тиббиёт муассасаларини барпо этиш бўйича ҳамкорлик таклиф этилди. Транспорт-логистика тизимини замонавийлаштириш доирасида пулли автомобиль йўллари, аэропортлар ва логистика марказларини ривожлантириш истиқболли йўналишлар сифатида белгиланди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шерикликни кенгайтириш масалаларига ҳам муҳим эътибор қаратилди. Туркиянинг соҳадаги бой тажрибасини инобатга олган ҳолда, органик минерал ўғитлар ва қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, замонавий иссиқхоналар барпо этиш, боғдорчилик, сув тежовчи технологиялар ҳамда совуткич омборлар йўналишларида кооперацияни кучайтириш таклиф қилинди.

* * *

Бир сўз билан айтганда, ўтаётган ҳафта воқеалари узвий мантиқий занжирга бирлашган. Барқарор макроиқтисодий режалар ва ҳудудий лойиҳалар мамлакатимизнинг ички таянчи бўлса, Ўмон билан стратегик шериклик ҳамда Туркия ишбилармон доиралари билан кенгайиб бораётган инвестициявий ҳамкорлик ташқи савдо, бунёдкорлик ва логистика имкониятларини янада кенгайтиради. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг барчаси ягона мақсадга – фуқаролар манфаати, инсон қадри ва муносиб келажакни таъминлашга қаратилган.

Иқбол МИРЗО

ТАҚДИРЛАР ЎЗГАРМОҚДА

Бошланиши 1-саҳифада.

ИЛК НАТИЖАЛАР

Ҳозирги кунда лойиҳа 11 та жазони ижро этиш муассасасида 18–30 ёш оралиғидаги уч юз нафардан ортиқ маҳкумни қамраб олган. “Иккинчи имкон” доирасида инглиз тили ва замонавий касб-ҳунарлар ўргатилмоқда.

Нисбатан қисқа – қарийб олти ойлик фаолият давомида бу лойиҳанинг илк натижалари унинг кутилган самара бераётганини кўрсатяпти. Бу лойиҳа маҳкумларни келажакда иш билан таъминлаш механизмининг бирламчи қисми сифатида таъкидланмоқда.

– Ўқитиш натижаси бўйича оралиқ сўровлар бўлиб ўтади, – дейди Ички ишлар вазири Азиз Тошпўлатов. – Уларда баҳо қўйиб борилади. Бошқа ўқув муассасаларида билим қандай баҳоланса, бу ерда ҳам шундай баҳоланади ва келажакда малакавий сертификат берилади. Ҳар битта сертификат бизнинг ҳамма қонунларимиз бўйича барча тизимларда тўлиқ қабул қилинади. Сертификат олганлар келажакда ўзининг имконияти ва олган билимига қараб ишга таклиф қилинади. Албатта, жазо муддатини ўтаган маҳкумларнинг барчаси иш билан таъминланади. Уларга иш бозорида таклифлар жуда кўп. Энг тез ривожланаётган бозор – ахборот технологиялари соҳаси. Мутахассислар етишмовчилиги катта. Шунинг учун уларга имконият яратиб берилади. Энг муҳими, Президентимиз яратиб берган шароитдан фойдаланиб, улар ўз оиласи даврасига камида битта хорижий тил ва замонавий, яхши даромад топиш имконини берадиган ҳунар эгаси бўлиб боради.

Лойиҳа доирасидаги ўқув машғулотлари 2026 йил 1 июндан Тошкент, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида бошланган эди. Тест синовлари ва оғзаки суҳбат орқали саралаб олинган 311 нафар маҳкум ўтган давр мобайнида хорижий тил, шунингдек, компьютер саводхонлиги курсларида интенсив таҳсил олди. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш муассасалари департаменти I минтақавий ҳудуд 24-сон тарбия колониясида ҳам 30 нафар маҳкум икки гуруҳда мазкур лойиҳага қамраб олинди.

Улар 19 соатлик машғулотларни ўзлаштирганидан сўнг, оралиқ назорат синовидан, яна 19 соатлик машғулотлардан сўнг эса инглиз тилининг “A1” даражаси ва “Компьютер саводхонлиги” курслари бўйича якуний назорат синовидан ўтказилди. Натижалар тингловчиларнинг 88,6 фоизи инглиз тили, 79,5 фоизи компьютер саводхонлиги бўйича бошланғич билимларни муваффақиятли ўзлаштирганини кўрсатди.

Жазони ижро этиш муассасалари орасида 100 фоизлик натижага эришганлари ҳам борлиги қайд этилди. Хусусан, Қизилтепадаги 5-сон ҳамда Қаршидаги 3-сон колонияларда иккала курс бўйича ўзлаштириш 100 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар тингловчиларнинг таълимга қанчалик жиддий ёндашаётгани ҳамда ушбу лойиҳани ўз келажагини ўзгартириш йўлидаги чинакам имконият сифатида қабул қилаётганини кўрсатади.

– Давлатимиз раҳбарига бизга таълим олиш имкониятини яратиб бергани учун раҳмат айтаман. Ўқитувчиларимиз Ҳакимхўжа ака билан Жасур ака информатика ва инглиз тилидан қизиқарли дарслар ўтди. Рости, оддий мактабда интерактив дастурлар билан камдан-кам сабоқ олганман. Ҳозир инглиз тилида сўзлаш қобилиятим анча ошди. Озодликка чиққач, инглиз тилини мукаммал ўрганиб, ўз устимда ишлашни ният қилганман, – дейди тошкентлик Михаил Гаврилин.

Маҳкумларнинг билим даражаси бўйича синовлар уларга дарс берган мутахассислар томонидан аниқланмайди. Бу – лойиҳани амалга оширишда холислик ва шаффофлик, шу билан бирга, самарадорликни таъминлайди. Махсус экспертлар жалб қилинган бу каби назорат синовлари махсус платформада ҳар ойда ўтказиб келинмоқда.

ЧИН АДОЛАТ НИМАДА?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2026 йил 24 февраль куни ёшлар билан ўтказган учрашувида жазо муддатини ўтаётган ёшларнинг жамиятга тез мослашиши муҳимлигини таъкидлаган эди. “Иккинчи имкон” лойиҳаси мана шу мулоқотнинг ҳосиласидир. Бу эзгу ташаббус шу йилнинг 27 март куни тегишли қарор билан мустаҳкамланди.

Озодликка чиққан одамнинг ишсиз ва таянчсиз қолмаслиги, шунингдек, такроран адашишнинг олди олиниши жуда муҳим. Шу вақтгача жазони ижро этиш муассасаларида тасвирий санъат, мусиқа каби тўгараклар ҳамда сартарошлик, электротехника механиги каби касбларга тайёрлов машғулотлари ўтказиб келинган эди. Аммо панжаранинг ташқарисида сония сайин ривожланиб бораётган XXI аср ва унинг ўз касбий эҳтиёжлари бор. Шуларнинг энг биринчилари – хорижий тил билиш ва компьютер саводхонлигидир.

– Биргина хато сабаб инсоннинг келажагига нуқта қўйилмаслиги керак. Бу ғоя ушбу лойиҳанинг асосий тамойилини ташкил қилади. Чунки ҳақиқий адолат фақат жазолашда эмас, балки инсонга тўғри йўлга қайтиши учун имконият беришдадир, – дейди 24-сон тарбия колонияси тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, капитан Хондамир Ҳамроев.

Шу кунларда учта ҳудудда синов-тажриба тариқасида бошланган “Иккинчи имкон” лойиҳаси 2027 йилдан бошлаб республикамиздаги барча жазони ижро этиш муассасаларини тўлиқ қамраб олади. Адашиб жиноят кўчасига кириб қолган одамларни жамиятга тўлақонли қайтаришга, бу орқали уларнинг келажагини яхшилашга қаратилган бундай умумий реабилитация тизими нафақат юртимизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида андозаси бўлмаган ташаббус ҳисобланади.

МАҚСАД ФАҚАТ СЕРТИФИКАТ ЭМАС

“Иккинчи имкон” лойиҳаси доирасидаги ўқув машғулотлари 8-12 ойлик интенсив дастурлар асосида ташкил этилади. Бунда курсларни муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга эгаллаган касби бўйича республика миқёсида тан олинадиган электрон шаклдаги малакавий сертификатлар топширилади. Ўқув дастурлари доирасида маҳкумларга 12 ой давомида инглиз тили (A1-B2) пухта ўргатилади.

– Шунингдек, ўқув режасидан “Компьютер саводхонлиги”, “Компьютер сервиси ва тармоқ технологиялари”, “Soft skills”, маълумотлар таҳлилчиси, маркетплейсларда тадбиркорлик қилиш кўникмасини шакллантириш бўйича курслар ўрин олган. Уларга дастлаб “Microsof Office” дастурлари ўргатилди. Шундан сўнг, компьютерларга техник ва дастурий хизмат кўрсатиш, жумладан, антивирус ва “Windows” дастурларини ўрнатиш, “Биос” қисмларини янгилаш ва камераларни ўрнатиш бўйича машғулотлар ўтказилди. Оралиқ ва якуний назорат синовларида ёшларнинг натижалари ёмон эмас, – дейди шу йилнинг июнь ойидан буён 24-сон тарбия колониясида маҳкумларга компьютер саводхонлигидан машғулотлар ўтказиб келаётган Ҳакимхўжа Убайдуллаев.

Қашқадарёлик Дилбек Абдиев ҳафтанинг ҳар пайшанба ва шанба кунлари ўтказиладиган ўқув машғулотларини, айниқса, компьютер саводхонлиги дарсларини кутади ва уларда фаол қатнашишга ҳаракат қилади. Компьютерда ишлаш бўйича дастлабки кўникмаларга эга бўла бошлаган Дилбек ҳозирги кунда бир нечта дастурлардан мустақил фойдалана олади. Инглиз тилини ўрганиш борасида ҳам ўз устида ишлаб, келгусида АКТ бўйича етук мутахассис бўлишни мақсад қилган. Энг муҳими, у иккинчи имкондан тўғри фойдаланяпти.

“Иккинчи имкон” лойиҳасидан асосий мақсад фақат сертификат бериш эмас, балки маҳкумларни даромадли иш билан таъминлашдир.

– Бу – ҳақиқий натижа учун қилинаётган лойиҳа. Мақсад – жазони ижро этиш муассасасидаги ёшлар ҳам эртага ҳаётда ўз ўрнини топсин. Барибир, қамоқдан чиққанидан кейин ишга жойлашишда қийинчиликлар бўлади. Лекин ҳозир IT соҳасида чет тилини ва касбни билсангиз, фриланс платформалари орқали ҳам бемалол даромад топиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу лойиҳа “Иккинчи имкон” деб номланган. Бугун энг катта компаниялардан бири бўлган Unicon Soft ўз харажатлари ҳисобидан иштирок этяпти. Бу бюджет маблағи эмас. Компания нафақат ўқитади, балки иш билан таъминлаш имкониятини ҳам яратади. Шу боис, мақсад фақат сертификат бериш эмас. IELTS сертификатини олиш мумкин, лекин IT соҳасидаги сертификатдан ҳам муҳимроғи: инсоннинг эртага даромад топиш имкониятига эга бўлишидир, – дейди Рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов.

Жазони ўтаб озодликка чиққанлар эндиликда кундалик турмушга нисбатан тезроқ мослашади, жамиятга қисқа фурсатда қўшилиш имконига эга бўлади. Улар “Иккинчи имкон” лойиҳаси доирасида эгаллаган замонавий билим ва касблари ёрдамида доимий даромадли касб эгасига айланмоқда ва муносиб ҳаёт кечириш имконига эга бўлишяпти. Бу эса юртимизда “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган халқчил ислоҳотларнинг амалий ифодасидир.

Отабек ИСРОИЛОВ

УЛКАН ХАЗИНА

Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг фарзанди Зулайҳо АЛИМОВА билан суҳбат

– Зулайҳо опа, атоқли адабиётшунос, таржимон ва адиб, санъат арбоби Иброҳим Ғафуров номидаги Таржима ва ижод мактабининг кутубхонаси биз учун фақат суҳбат манзили эмас, балки бош мавзумиздир. Ушбу маскан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида жойлашган. Келинг, суҳбатимизни зиёли кутубхонаси мавзусидан бошлайлик...

– Одатда, дадам ҳақида сўз кетса, у кишининг шахсияти, ижоди, хотиралар ҳақида сўралади. Лекин “Jadid” газетаси доимгидек янгича йўлдан борди. Шунинг учун ҳам дадам нашрларингизни севиб ўқир эди.

Биласизми, буюк алломалар меросини англашда уларнинг ўз асарларидан ташқари, ўзлари ўқиган, йиққан асарлар ҳам муҳим ўрин тутади. Қани энди, бугун бизда Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Али ибн Сино каби аждодларимизнинг кутубхоналари бўлса... Бу уч даҳо саройларга фақат бир мақсад – бебаҳо кутубхоналардан фойдаланиш учун яқинлашган. Мирзо Улуғбек яратган кутубхона вафотидан кейин ҳам Самарқанднинг илм оламидаги қудратини сақлаб турган. Манбаларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиротга борганида, Алишер Навоий кутубхонасини кўргани, ундан фойдалангани келтирилади. Бу нечоғлик бахт! Шу орқали Ғиёсиддин ўғли Алишер қандай қилиб Навоий даражасига кўтарилганини англаш мумкин.

Кутубхоналарнинг аҳамияти шундаки, босқинчилар қайси халқни ғорат этмоқчи бўлса, ўша халқ жойдаги кутубхоналарга ўт қўйган. Оқибат? Физика бўйича Нобель мукофоти соҳиби Пьер Кюри таъсирли жавоб берган: “Мусулмонлар Андалусиясидан бизга бор-йўғи 30 та китоб қолди, холос. Уларни ўқиб, атомни парчалашга эришдик. Агар биз ўша буюк ислом цивилизациясига тегишли китобларни ёқиб юбормай, сақлаб қолганимизда, бугун галактикалар аро сайр қилиб юрган бўлардик”.

XX аср бошида жадидлар олий мақсадлари сари илк қадамларни Эски шаҳардаги “Турон” кутубхонасидан бошлагани ҳам бежиз эмас. Ўтган асрда ўзини зиёли аҳлига дахлдор саналган одамларнинг уйида шахсий кутубхонаси бўлган. У ерда серияли китоблар, катта газета-журналлар ва ҳоказоларни учратиш мумкин эди. Айниқса, обуна бўлиб олинадиган асарларни бир токчага терсангиз, унча-мунча безакдан кўра зийнатли бўлиб турарди. Аммо ачинарли томони – аксар ҳолларда, бу фақат ҳашам учун хизмат қилгани ҳам бор гап. Шунинг учун баъзи жилдлар бир марта ҳам очиб кўрилмасди.

Бунга зид равишда асл зиёлиларнинг хонадонидаги китоблар уринган, эзилган, таъмирланган, саҳифалари қайдлар, хатчўплар билан тўла бўларди. Масалан, бугун ҳам Ойбек, Абдулла Қаҳҳорнинг уй-музейига борсангиз, бирорта “соғ” жилдни тополмайсиз. Ана шу хазина сақлаб қолинганининг аҳамияти адибларнинг асарлари сақлаб қолинганидан кам эмас. Марҳамат, бугун қизиқувчилар бориб кўрсин: Ойбек ҳазратлари нима асар ўқиган? Қаҳҳорнинг қалами қайси чархларда ўткирланган?

Ҳерманн Ҳессенинг “Жаҳон адабиёти кутубхонаси” деган залворли эссеси бор. Унда адиб умр бўйи ўқиб, саралаган асарларини ёд этиб, уларнинг аҳамиятини қисқача келтириб ўтган. Ана шу қисқа рўйхатнинг ўзидан юзга яқин муаллиф саналади. Демак, нобелчи адиб осмондан тушмаган экан. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” рисоласи ундан-да салмоқли қомусдир. Бу ҳам улуғлар кутубхонаси ҳақида, китобхонлик маданияти ҳақида тасаввур уйғотади.

Дадамнинг эссе ва мансураларида ҳам кўплаб муаллифлар, асарлар номи ва иқтибослар келтириладики, бу ҳам Иброҳим Ғафуров феномени ҳақида тасаввур беради.

– Демак, асл зиёли ижодкорлар нафақат кутубхоналарни бойитади, шу билан бирга, ўзларидан ҳам авлодлар учун муҳташам кутубхона қолдиради.

– Дадамнинг вафотидан кейин у киши нақадар улкан хазинани тасарруф этганини англаб етдик. Бу китобларни сақлаш ва фойдаланиш масаласи зиммамизга катта масъулият юклади.

Университетда таржима мактаби очилгач, кутубхонани тўлиқ кўчириб келиш мақсади бор эди. Жараён бошлангач, дадамнинг бойлигига етарлича баҳо бермаганимиз маълум бўлди. Шунинг учун ушбу мактабни биринчи босқич деб қабул қилдик. Келгусида китоблар, қўлёзмалар ва дадамга тегишли бошқа буюмларни ўзида жамлаган уй-музей очиш ниятимиз бор. Ана шу даргоҳнинг салмоқли қисми, албатта, Иброҳим Ғафуров кутубхонасига ажратилади. Олимлар, ижодкорлар, китобхонлар ва барча қизиқувчилар бу маънавий меросдан баҳраманд бўлиши мумкин. Бизга доим сокин, ораста турадиган музей эмас, тадқиқотчилар, адиблар иш билан машғул бўладиган, адабий учрашувлар, баҳс-мунозаралар



ўтадиган адабий маскан керак.

Муҳтарам Президентимизнинг адабиётга, китобхонлик маданиятига катта эътибор қаратаётгани эзгу ниятларимизга қанот бағишламоқда. Тўғри, уй-музей учун ер олиш, иморат тиклаш, расмиятчилик ишлари кутиб турибди бизни. Бироқ мен ишонаманки, бу масалаларда бизга тўғри йўл кўрсатадиган, ёрдам берадиган юртдошларимиз топилади. Чунки халқимиз дадамни нечоғли ҳурмат қилишини чуқур ҳис қиламан. Қаранг, қандай гўзал кутубхоналар очиляпти. Улар сафига яна бири қўшилса, нур устига нур бўлади. Таржима мактабидаги кутубхона ҳам гавжум. Талабалар доим шу ерда.

Илм инсонни яхшиликка чорлар экан. Яхши ишлар тизимли ва бардавом бўлиши керак. Машҳурларнинг фарзанди бўлиш фақат имтиёз ё шон-шуҳрат эмас, балки миллий масъулият ҳам. Баҳоли қудрат, дадамнинг илмий-ижодий меросини тарғиб этишда давом этамиз. Бу ишларимиз таржимонларга, таржимашуносларга кўмак бўлса, бошимиз осмонга етади. Янги авлод мутаржимларининг шаклланишига ҳисса қўшсак, дадамнинг руҳлари шод бўлади. Зеро, илм масканларининг ободлиги у ерга ташриф буюрувчиларнинг сони ва салоҳиятига боғлиқ.

Шукурки, кутубхона очилиши хайрли бошланди. Тадбирда таниқли олимлар, ёзувчилар, ёшлар иштирок этди. Ҳатто, чет эллик меҳмонларимиз ҳам бўлди.

– Хорижликлар таржимон кутубхонасидан қандай таассуротлар олди?

– Кутубхонага келган меҳмонларимиз малайзиялик экан. Кўриб жуда қувонишди. Уларга Иброҳим Ғафуров жаҳон адабиётининг ўнлаб мумтоз намуналарини, хусусан, Достоевский, Мопассан, Хемингуэй, Маркес, Жойс, Айтматов каби адибларнинг машҳур асарларини ўзбек тилига юксак маҳорат билан таржима қилиб, бадиий таржимачилик соҳасида ўзига хос ижодий мактаб яратганини айтдик. Очиғи, ҳайратдан бир-бирига қараб ўз тилларида “Офарин”, “Фантастика бу”, “Улкан жасорат” деб хитоб қилди. “Биз сиз санаган адибларнинг асарларини ёзилган тилида ўқиб ҳам тушунишга қийналганмиз. Инглизча, французча таржималарни англашда ҳам кўп тер тўкканмиз. Агар Ғафуров “Ака-ука Карамазовлар”, “Улисс”, “Бузрукнинг кузи”ни ўз тилига ўгириб, халқига манзур қила олган бўлса, ҳақиқий қаҳрамон экан”, дейишди самимий ҳайрат билан.

> **Адабиётимизнинг улкан вакилларидан бири, атоқли адабиётшунос олим, моҳир адиб ва таржимон, жонкуяр публицист Иброҳим Ғафуров тимсолида мен бутун онгли ҳаётини миллий маънавиятимиз равнақига бағишлаб келаётган фидойи шахс, ҳалол ва камтарин инсонни кўраман.**
>
> **Бир куни Эркин ака билан она тилимиз ҳақида сўзлашиб қолдик. Шунда, ҳеч эсимдан чиқмайди, Эркин ака бир гап айтди: “Агар кимда-ким ўзбек тилининг бор жозибаси, тароватини ҳис этмоқчи бўлса, Иброҳим Ғафуровга мурожаат қилиши керак”. Бу гапни Эркин Воҳидов чин юракдан, меҳр билан таъкидлади. Бу фикрда чуқур маъно бор, деб ўйлайман.**
>
> **Иброҳим Ғафуров ўзининг беқиёс ижодий ва ижтимоий фаолияти билан эл-юртимизга жуда катта хизмат қилган улуғ замондошимиздир.**
>
> **Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
> **Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Камина уларга Иброҳим Ғафуров ростдан ҳам Ўзбекистон Қаҳрамони, санъат арбоби, таржимонлар учун таъсис этилган Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофотнинг илк соҳибларидан эканини айтганимда, ҳайратлари ўн чандон зиёда бўлди. Чунки давлат миқёсида таржимонга бунча эътиборни улар ўзлари борган бирор давлатда кўришмаган экан. Ёзув машинкасини кўриб, жилд-жилд китобни шу қурилмада териш, яна ўзи ҳам асарлар ёзишга тоқат қилгани, қайта-қайта кўчирганини эшитиб, ўзбекона айтганда, игна билан қудуқ қазиш машаққати олдида бош эгишди. “Агар имкониятимиз бўлганида мана шу университетларда ўқирдик, мана шу жойларда таржима билан шуғулланардик”, дейишди. Булар, албатта, ёруғ юз билан айтадиган гаплар.

– Катта авлод ижодкорларидан зиёли деганда Асқад Мухтор сиймоси кўз олдимизга келарди, деган сўзни кўп эшитганмиз. Бизнинг замонамизда эса зиёли деганда Иброҳим Ғафуровни тушунадиганлар жуда кўп. Иброҳим Ғафуров нафақат кутубхона қолдирди, балки ўзи ҳам бир кутубхонага етгулик китоблар ёзди, таржималар қилди. Агар устознинг турли йилларда ва тилларда чиққан китоблари жамланса, бир неча жавонга жам бўлиши, шубҳасиз. Устознинг “Адабиёт дунёси” рукнида 8 жилдлик “Асарлар”и чоп этилди ва катта қизиқиш билан кутиб олинди. Назаримизда, бунинг давоми ҳам бўлса керак?

– Филология фанлари доктори Шаҳноза Назарова нашрга тайёрлаган кўп жилдлик дадамнинг муаллифлик китобларидан тузилган. “Жозиба”, “Юрак – аланга”, “Шерият – изланиш демак”, “Дил эркинлиги”, “Ҳаё – халоскор”, “Мангу латофат”, “Паривашлар мажлиси”, “Олтин қозиқ” асарлари сотувда қолмаган, кутубхоналарда ҳам эҳтиёж пайдо бўлган эди. “Янги аср авлоди” нашриёти ҳамда саховатли инсонлар кўмагида ушбу лойиҳа амалга оширилди. Қувонарлиси, дадам шу кунларни кўрди. Ҳали кўп жилдликнинг давоми сифатида 12 китобга мўлжалланган “Таржима дунёси” рукни ҳам режалаштирилган. Қолаверса, Иброҳим Ғафуровнинг илмий асарлари, кейинги йилларда ёзилган мақолалари, тақризлари, нутқлари, хатлари, қайдлари ва қўлёзмалари ҳам яна беш-олти жилдга етадиган материал бўлади. Дадам ҳақидаги устозлари, жаҳон адиблари, замондошларининг хотиралари ҳам салмоқли. Олдинда мана шу китобларни нашрга тайёрлаш, чоп этиш, олимларимиз билан ҳамкорликни давом эттириш, лойиҳаларни молиялаштириш каби катта мақсадларимиз турибди. Режалар улкан, имкон қадар уларни амалга оширамиз.

– Сизга куч-қувват ва муваффақият тилаб қоламиз. Иброҳим Ғафуров кутубхонаси кенгайиб бораверсин. Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Зарнигор ИБРОҲИМОВА суҳбатлашди.



ОЛАМ ОЛИМИ



Анри Борис КАГАН

Асрий жумбоқни ечган нобелчи

ҲАЁТИ

1930 йил 15 декабрда Франциянинг Булонь-Бийанкур шаҳрида таваллуд топган. Миллий кимё олий мактаби ва Сорбонна университетини битирган. 1954 йилдан 1962 йилгача Миллий илмий тадқиқотлар марказида (CNRS) ишлаган. 1960 йилда докторлик даражасини олди. Бир неча йил Ален Оро қўл остида илмий ходим бўлиб ишлади ва Франция коллежида лаборатория директорининг ўринбосари бўлди. 1967 йилда Орсе шаҳридаги Париж-Суд университетининг Фанлар факультетида тадқиқот гуруҳини тузди. 1968 йилда ассиметрик синтез лабораториясини ташкил этди. 1973 йилдан кимё профессори, 1999 йилдан бери фахрий профессор.

КАШФИЁТИ

Анри Каганнинг тадқиқотлари молекулаларнинг фазовий тузилишини бошқариш ва янги авлод дори воситаларини яратишда инқилобий бурилиш ясади. Каган катализатор таркибидаги бир хил “кўзгу шакли”-даги молекуланинг (энантиомернинг) ҳатто жуда оз миқдордаги устунлиги ҳам реакциянинг якуний маҳсулотида бир неча баробар кучайишини исботлади. Олим ушбу мураккаб жараённи аниқ тавсифловчи математик моделларни ҳам ишлаб чиқди. У биринчи C_2-симметрик дифосфин лиганди – DIOP ни яратди ва уни асимметрик гидридлаш реакцияларида муваффақиятли қўллади. Айнан шу кашфиёт оптик фаол бирикмаларни замонавий саноат миқёсида синтез қилиш даврини бошлаб берди.

Каган икки валентли лантаноид ҳосилаларини, хусусан, самарий дииодидини (SmI_2) органик синтез амалиётига олиб кирди. Бугунги кунда ушбу бирикма кимё фанидаги энг универсал ва қулай қайтарувчи воситалардан бири ҳисобланади.

ЭЪТИРОФ

1991 йилдан буён Франция Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлган Анри Каганнинг хизматлари халқаро илмий ҳамжамият томонидан доимий равишда юқори баҳоланиб келинган. Кимё бўйича Вольф мукофоти (2001), Бенжамин Франклин медали (2005) ва яна ўнлаб нуфузли халқаро мукофотлар соҳибидир. Олимнинг илмий тадқиқотлари дунё кимёгарлари учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

2026 йилги кимё бўйича Нобель мукофоти Каганга япониялик олим Кэнсо Соаи билан биргаликда “асимметрик органик синтезда чизиқсиз эффектлар ва автокатализни кашф этгани учун” топширилди. Бу илмий ишлар тирик табиатдаги гомохираллик (молекулаларнинг фақат бир хил “кўзгу акси” шаклида устунлик қилиши) феноменини тушунтириб берди ва хавфсиз, юқори самарали дори-дармонлар ишлаб чиқаришга пойдевор қўйди.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

ТАЛҚИН

ХАРАКТЕР МУСАВВИРИ

Яқинда истеъдодли адиб Шуҳрат Маткаримнинг “Ijod Nashr” нашриёти томонидан икки жилдга жамланган асарлари босилиб чиқди. Китоблар мундарижасига назар ташладим. Ўқимаганимдан ўқиганларим кўп. Биринчи жилддан эл-ликдан ортиқ ҳикоя жой олибди; иккинчи жилдга киритилган ўнга яқин ҳикоя, бир нечта қисса ва битта драма – буларнинг бари Шуҳрат Маткаримнинг кейинги давр ижод маҳсули.



Икки жилдлик китоб таркибидан истеъдодли шоир Матназар Абдулҳакимга бағишланган “Устоз ҳақида сўз” эссеси ҳам ўрин олибди. Муҳташам икки китоб – ёзувчи ижодининг фазилатларини тасаввур қилишига ёрдам берадиган адабий манба; кўз тегмасин, адабий хирмон ёмон эмас. Анча йилги танаффусдан кейин Шуҳрат аканинг бу тарзда сермаҳсул бўлишига адибни безовта қилган ва ёзишга ундаган қувончлар, изтиробларр, дардлар сабабдир, назаримда.

Талабалик давримизда “Ёшлик” журналида Шуҳрат Маткаримнинг “Ўрамда” ҳикояси босилган эди. Ўқиб эслаб қолгандим. Бироқ шу чиқишидан кейин ёзувчи анча вақт кўринмай кетди. Ҳамма қатори тирикчилик уммонига шўнғиди, менимча. Ҳаётнинг, одамларнинг, кундалик турмуш муаммоларининг ичида яшади. ТВ мухбири сифатида юртни ўрганди, одамлар дардини тинглади. Балки шуурига муҳрланиб, бугун қоғозга тушаётган воқеа-ҳодисалардан ҳикоя, қиссалар пайдо бўлишини ўйламагандир ҳам. Барибир, ижодкор зотининг хаёл пучмоқларида аллақандай безовталикка сабабчи таъсирли, қизиқ воқеалар қачондир бадиий асарга айланишини кутиб ётган бўлади ва мавриди келганда қоғозга тушади.

Шошмаслик деган бебаҳо сабоқни ёш ижодкорлар Шуҳрат Маткаримдан ўрганмоғи лозим. Шуҳрат аканинг илк китоби ёши олтмишга яқинлашганида босилди ва адабий жамоатчилик орасида эътирофларга сазовор бўлди. Бу эътироф учун ёзувчи камида ўттиз йил индамай юрди, ўзини давраларга урмади, минбарбозлик қилмади, ўйлади, яшади, завқланди, ишлади, жимгина ижод қилди.

Адибнинг “Хиёнат”, “Йўриқсиз тушлар”, “Скрипка кўтарган қиз”, “Ота”, “Болжон”, “Ижодкорлар”, “Шоир”, “Мукофот”, “Бозор”, “Тўра” каби рўйхатни анча давом эттириш мумкин бўлган ҳикояларининг мавзуси хилма-хил. Аслида, ҳар қандай ёзувчи ўзи яхши билган мавзуларни мароқ билан бадиий талқин қилади, маза қилиб ёзади. Шуҳрат Маткаримнинг ёзганларида оддий қишлоқ одамлари, турли мансаб-мартаба эгалари, ошиқлар қалбидаги покиза туйғулар, айниқса, ижодга дахлдор инсонларнинг ҳаёт тарзи, уларнинг образи кўпроқ қаламга олинади.

“Мактуб”ни ўқидим. Хат келганидан хабар бор. Аммо мактубнинг ўзидан дарак йўқ. Мактуб очилмайди. Қаҳрамон қалби очилади. Мактуб боис, Давлатбойнинг хаёли олисларга кетади. Битта хат ассоциациясидан битта ҳикоя бунёд бўлади. Бунда қайноқ ёшлик даврининг сурур ва аламлари, изтироби, тазарруси сезилади.

“Раис”ни ўқидим. Калондимоғ раисларни чўғдан олиб оловга ташлаш, ёмонотлик қилиш – бундай одатий тамойил кузатилмайди. Шуҳрат Маткарим битиклари воқеани бошқалар хаёлига келмаган томондан, одамнинг туйғун кўнглини тасвирлаш жиҳатидан ўзига хос. Ортиқча тафсилотлар, ўринсиз бижирлашларга ўрин бермасдан, воқеликнинг ўзини ва унинг ичида ҳаракат қилаётган, сўзлаётган одамни тасвирлайди ёзувчи. “Раис”да раиснинг исми йўқ. Аммо унга Одил, Олим, Қудрат, Эшқувват, Дилмурод каби қатор исмлар бериш мумкин, бемалол. Чунки Раис одамлар дардини эшитади. Адибнинг бу ҳикоясини ўқиб, баъзи асарларда исмлар бўлади, аммо улар характер хусусиятидан мосуво бўлади, деган фикр хаёлимдан кетмади. Шуҳрат Маткаримда, аксинча, ҳикоя қаҳрамонларига гоҳида исмлар тақалмаслиги мумкин, аммо улар ўз фитратига кўра исмларини ўзлари айтиб туради.

Шеър учун туйғулар муҳим. Аммо ҳикоя ҳам ҳис-туйғулар ортидан пайдо бўлса, одамнинг кўнгли ёришади. Дейлик, “Болжон”да шундай бебаҳо покизалик бор. “Қўқир билан Ёмпиқ” ҳикоясида икки хил табиатли одам муҳокама қилинади. Бир олифта ношир ҳақида: “У ҳамиша оқ-оппоқ костюм-шимда юрар, туфлилар ҳам оқ, жўрроплар ҳам оқ-оппоқ бўлар эди. Салмоқлаб, виқор билан қадам ташлаб келаверса, бир парча оқ булут ерда юриб келаётирми, дер эдингиз”, деб ёзади муаллиф. Қўқиролифтани аниқ тасаввур қиласиз. Адиб ҳикояларида бирор адабий деталь ичига воқеани жамлаш усулидан унумли фойдаланади. “Кўзойнак”да шундай. Бунга ўхшаш ассоциатив сюжетдан фойдаланиш унинг қиссаларида ҳам кўзга ташланади.

Шуҳрат Маткаримнинг қиссаларидаги ҳар бир образнинг ўз қиёфаси, кечмиши бор. Улар характерли одамлар. Дейлик, “Салав” қиссаси марказида шундай характерли Шерзод турибди. Унга ёндош бошқа образлар ўзаро тенг кучли. Шерзоднинг отаси Қиличбой, онаси Шарпа момо, учар синфдоши Поққи мапий (Фарҳод), бенаво Ойбодоқ, яна Ислом бува, Қўлдош бува каби бир неча кимсалар шу марказий образ теграсида, унинг ҳаёт тарзи ва “салав”лиги атрофида бирлашади. Бу образларни ўзига хос қиёфаси билан тасаввур қилиш қийин эмас. Аслида, тобора унутилиб бораётган бадиий адабиётнинг рамзли тили шундай бўлмоғи, яъни, инсон табиатининг холис тасвири учун тасаввурга йўл очиб бермоғи лозим. Ёзувчи образлар табиатини ёнидаги унга ҳамроҳ қаҳрамонлар зиммасига юклайди. Муаллиф ўз нуқтаи назарини кўп ҳам ошкора қилавермайди. Аксинча, гоҳида ўзаро жангу жадалларга киришиб кетган қаҳрамонларини бир-биридан ҳимоя қилади. Гоҳида уларнинг ожиз, бечора банда эканига эътибор қаратади. Шундай ўринларда Шуҳрат Маткарим насрига хос умумий бир пафос – инсонни эъзозлаш ғояси юзага қалқиб чиқади. Азизу мукаррам қилиб яратилган инсон ҳамма замонларда ўз ҳаётини шу мартабага муносиб яшамоғи лозим.

Муаллиф қаҳрамонлари ҳаётини ўз қаламини зўриқтирмасдан тасвирлайди. Сўз изидан сўз келади, воқеалар зинжирининг уланган жойларини ўқувчи сезмай ҳам қолади. Бунинг номи – бадиий маҳорат. Ёзувчи қаҳрамонларини ортиқча бўяб-бежамасдан сўзлатади. Уларнинг қилмишлари, бошидан кечирмишлари ҳақида эсда қоладиган қилиб ёзади. Дейлик, қаламкаш Қиличбой ака ҳоли ҳақида: “Ручка енгил юритилса узуқ-юлуқ из қолдирар, қаттиқроқ босилса қоғоз тешилиб кетар эди. Ҳозир ҳам ботқоқда ит йўртгандай этиб ёзилган бир неча варақ стол устида сочилиб ётарди”, деб ёзади. Шу кимсанинг бечоравашлигини “ёмғирдан қочган мусичадай эгнини қисиб, жуда ўнғайсиз бир алпозда” мудраётган тарзда кўрсатади. Бундай вазиятни англаш, тасаввур қилиш қийин эмас. Қўлдош бува ўтиб кетган отаси ҳақида китоб ёздириш дардида юрибди. Унинг нотинч оиласини, хотини ва унга уйланишини муаллиф: “Аммо қиз худонинг ғазаби чиқди. Оғзидан сўз эмас, ўт билан олов пуркар экан. Тезда бўшгина Қўлдошни ўраб-чирмади, нўхталади, эгарлаб миниб олди”, дея тагдор қилиб ёзади. Бир ўринда муболаға билан: “Типратиконни терс ютгандай кўзлари ола-кула бўлиб кетди”, деса, гўзаллик билан тубанликнинг номутаносиб бир манзарасини: “Гилам гўнг устида унган лолага менгзарди”, деб ўхшатади. Адиб асарларида бундай халқона таъбирлар, топилдиқ иборалар, фразеологик бирликлар кўп топилади.

Монотон баённи ўзгартириш учун ёзувчи заруратга кўра табиат унсурларига мурожаат этади; уларга инсонга хос сифатларни кўчиради, яъни, персонификацияни қўллайди: *“Бирдан кўчада шамол кучайди – йўлакда елвизак пайдо бўлди. Чақирилмаган меҳмон коридор бўйлаб шувиллаб ўтди-да, ўзини подъездга урди. Куйдирилган пиёз ва гўштнинг иштаҳани қўзғовчи қоришиқ ҳидини кўчага ёя бошлади. Елвизак бу иши билан қаноатланмай, ажиб шўхлик ва тегажоғлик билан даҳлиздаги дарпардани этагини гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб, у билан ўйнаша кетди”.* Елвизакнинг бу қилиғи, дарпарда билан ўйнашиб туришлари ҳам бежиз эмас, ўша маконда учрашиб, суҳбатлашиб ўтирган икки кимсага қайсидир маънода алоқадор ҳам.

Шуҳрат Маткарим насрининг бадияти, асарларининг поэтик қиймати самимийлик, табиийлик, ҳаётийлик, диологик ва монологик нутқ орқали намоён бўлади. Ёзувчи эзмалик қилмайди. Оҳангжамо ажнабий калималардан кўра шева сўзларини қўллаб, зарур бўлса, уларнинг маъносини ҳаволада изоҳлайди. Ўзбек тили шу зайлда бойитилади ҳам.

“Мақар” қиссасини биринчи ўқиганимдаёқ, уни яхши асар деган қатъий фикрга келган эдим. “Мақар” бугунги адабий ҳаётда ўз йўлини топиб, катта адабий уммонга қўшилиб бормоқда. Асар номи унинг бош қаҳрамони тарихига оид. Асли исми Ҳўсинбой бўлган Мақарнинг қиёфаси, покиза қалби, одамийлик рутбаси, китобга ошно одам экани қиссани ичдан ёритиб туради. Асарда ички нутқ кучли. Ички нутқ эса ҳар қандай қаҳрамоннинг руҳий-психологик кайфиятини очиш калити саналади. Мақар иддаоларсиз, аммо кўнгли самимиятга лиммо-лим тўлган образ. Ўқувчи уни беихтиёр яхши кўриб қолади ва ўз ҳаётида кўрган қайси бир яқинларига ўхшатади ҳам. Образнинг умумлашма хусусияти, куч-қуввати ҳам шунда.

Хоразмда лақаби билан чақириш, лақаб тақиш урфи кенг ёйилган. Одамларнинг табиатига, авлод-аждодлари, яшаш шароити, кўриниши, қилиғи, касб-корига қараб турли лақаблар тўқилади. Шуҳрат Маткарим “Мақар”да шунга диққат қаратади: “Мақар болаларини яхши кўриб, уларга ажиб-антиқа лақаблар қўярди. Мақсат Моққи эди. Нормамат Мамат, Маширип Машшиқ, Аҳмад Акки, Саъдулла Сашка, Гулруҳ Тўнқи, энасининг исми қўйилган Гулжонга Кампир дер эди. Нилуфарга Лилли, энг кенжаси Зуҳрага Жўққи, катта қизи Гулбаҳорга Дидоқ, Ойдиннинг неварасига Оййи, Қувончга Қўййи, Марҳабога Ворроқ. Ҳамманинг лақаби бор эди. Мақар жилмайиб қўйди”. Бу бир оила доирасида тўқилган исм-лақаблар. Уларда эркалаш ҳам бор. Ёзувчининг бундан бошқа асарларидаги образларга тақалган лақаблар ҳам қайсидир маънода адабий-эстетик вазифани бажаради. Қисқарган исмлар, тақалган, тўқилган лақаблар, уларнинг негизи, пайдо бўлиш сабабларини, менимча, Шуҳрат Маткарим ижоди баҳонасида махсус ўрганиш мумкин.

“Мақар” қиссасининг умумбаёни ва қаҳрамонлари нутқини индивидуаллаштиришда ёзувчи хос шева сўзларини кўп ишлатади. Ижодининг аввалги даврида ёзилган ҳикояларига нисбатан “Мақар”да бу тенденция кучайгани сезилади. Шуҳрат Маткарим ижоди шу жиҳати билан ҳам қадрли ва қизиқарли. Ҳалигача бирорта ўзбек адиби қўлламаган, ўзбек тили луғатларидан ўрин олиши лозим бўлган айрим сўзларни муомалага киритиш жуда муҳим, албатта.

Шуҳрат ака зўрма-зўраки ёзмайди. Табиий, самимий, эркин ижод қилади. Ўзини турли қолипларга солиб қийнамайди. Айни дамда, шева сўзларини ўринли-ўринсиз қаторлаштирмайди ҳам. Бу асарларни ўқиган ўқувчи воқеликнинг табиий бир оқимига тушади. Ёзувчининг ўқувчи диққатини тутиб турадиган адабий усуллари бор. У эпизоддан эпизодга ўтади ва зарур ўринда ипнинг бошланғич учини тортиб, барча воқеани бир доира ичига жамлаб олади. Шундай сюжет йўли ва композиционн қурилиш манзарасининг, қайсидир маънода, координаталар текислигида чизмасини чизиш мумкинга ўхшаб кўринади. “Салав”да жиноят ҳақида гап бор. Аммо жиноятчини топиш мақсад қилинмайди. Охири билан бошини шу маълумот билан жамлаб беради. Ёки “Таёқтомда тўй” ҳажвий қиссасида ҳам шундай усулдан унумли фойдаланади. Тўй ҳақида хабар бор, аммо одамларни ёзувчи тўйхона ичкарисига киритмайди. Тўйхонага одамлар йиғилиши керак. Асарда қатнашаётган образлар ўз қилмишларидан ўзлари кулади ва уялади, ўзлари мамнун бўлади ва мақтанади. Чопқир болтаси ҳам, сопи ҳам ўзлари. Ёзувчи холис тасвирчи. У қаҳрамонларининг қилмишларига аралашмайди, яхши-ёмонга ажратиб, ортиқча муҳокама қилмайди. Қаҳрамонларнинг характери гапиради. Ёзувчи бу ошна-оғайни, таниш-билишларни бир жойга жамлаб, кўнгилларида йиғилиб қолган дардларини сўзлашга, ўзаро гурунг қилиб дилларини ёзишга имкон беради.

Айтиш мумкинки, бугунги адабий жараёнда Шуҳрат Маткарим ижодига қизиқиш кучайди, ёзувчининг мухлислари, асарларининг тадқиқотчилари пайдо бўлди. Тадқиқотчилардан айримлари диссертация ҳимоя қилди. Адибнинг китобхон қаҳрамонларидан бири: “Ўзи яхши китоб бўлса, қўлингга “шаппа” ёпишади. Ўқиб бўлмагунингча қўлингдан ёздирмайсан”, деган ҳақ гапни айтади. Шуҳрат ака ёзган асарлар шундай сифатга эга. Ўзига хос характерлар мусаввири, истеъдодли адиб Шуҳрат Маткарим ўз умрбоқий асарлари билан ўзбек адабиёти тарихида муносиб қадр топишига ишончимиз комил.

Сўзим туганчида яна бир зарур гапим бор. Шуҳрат Маткаримнинг ушбу икки жилдлик китобига Озод ҳожи Абдуллаев ҳомийлик қилибди. Маънавият заҳматкашларининг бундай хайрли ишлари бошқалар учун ҳам ибратдир.

Баҳодир КАРИМ,
профессор



Саводли бўла туриб китоб ўқимаган одамнинг саводсиздан фарқи йўқ.

Марк ТВЕН

КУН СЎЗИ



ЗИЁЛИ МАСЪУЛИЯТИ

Ҳар бир миллатнинг маънавий қиёфаси, тафаккур даражаси ва келажакка интилишида зиёлиларнинг ўрни алоҳида. Улар жамиятдаги воқеа-ҳодисаларни теран англайдиган, билим ва тажрибаси билан атрофдагиларга йўл кўрсата оладиган, эзгулик ва адолат мезонларини ҳаётда қарор топтиришга интиладиган инсонлардир. Шу боис, халқ азалдан зиёлиларга ҳурмат билан қараган, уларнинг фикрига қулоқ тутган, ҳаётий тажрибаси ва маънавий қарашларидан ибрат олган.

Бироқ зиёлиликни фақат маълумот, илмий даража, унвон ёки касбий мавқе билан ўлчаб бўлмайди. Ҳақиқий зиёли ўз билимини манманлик воситасига айлантирмайди, аксинча, уни одамларга наф келтириш, жамиятдаги муаммоларни англаш ва уларнинг ечимига ҳисса қўшиш учун ишлатади.

ОИЛАДАН БОШЛАНАДИГАН МЕЗОН

Зиёлиликнинг илк мезони инсоннинг ўз оиласидаги муносабатларида кўринади. Ўзгаларга одоб-ахлоқ ҳақида гапирадиган киши, аввало, яқинларига меҳрибон, фарзандларига эътиборли, оила аъзоларига нисбатан адолатли бўлиши лозим. Зеро, бола учун ота-онасининг ҳаёт тарзи ҳар қандай насиҳатдан таъсирлироқ.

Фарзанд тарбиясида фақат яхши таълим олиш ёки келажакда муносиб касб эгаллашга йўналтиришнинг ўзи кифоя эмас. Унда мустақил фикрлаш, ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб бериш, бировнинг ҳақини ҳурмат қилиш, меҳнатдан қочмаслик, ўзгалар дардига бефарқ бўлмаслик каби фазилатларни ҳам шакллантириш зарур. Айниқса, бугунги ахборот оқими кучайган шароитда ёшларни ҳар қандай маълумотни танқидий баҳолашга, ҳақиқатни асоссиз даъводан фарқлашга, ўз қарашларини далиллар билан асослашга ўргатиш муҳимдир. Бунда ота-онанинг китобхонлиги, билимга интилиши, кундалик воқеаларга муносабати ва фарзанд билан очиқ мулоқоти катта аҳамиятга эга. Боланинг саволларига эътибор билан жавоб бериш, унинг фикрини тинглаш, хатосини камситмасдан тушунтириш ҳам тарбиянинг муҳим қисмидир.

ЭЛ КОРИГА ЯРАШ БАХТИ

Инсоннинг билим ва салоҳияти жамият ҳаётида ўз ифодасини топгандагина, тўла қадр касб этади. Зиёлиликнинг муҳим белгиси ҳам ўз имкониятларини фақат шахсий манфаат билан чекламасдан, халқ ва юрт равнақига йўналтира билишдир. Бу масъулият ҳар бир соҳада ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Зиёли вазифани шунчаки бажариш билан чекланмайди. У ишининг сифатини оширишга, янгилик яратишга, мавжуд муаммоларга ечим топишга интилади. Камчиликни кўрганда бефарқ ўтиб кетмайди, унинг сабабларини ўрганади, холис фикр ва амалий таклиф билан чиқади. Бундай ёндашув касбий масъулиятни ижтимоий дахлдорлик билан боғлайди. Зеро, жамият тараққиёти фақат алоҳида инсонларнинг муваффақиятига эмас, балки ҳар бир соҳада ўз ишини виждонан бажарадиган, умумий манфаатни ўйлайдиган фидойи кишилар меҳнатига таянади.

Бу тоифанинг жамиятдаги ўрни, айниқса, ўзи яшаб турган маҳаллада яққол кўринади. Чунки маҳалла – инсонларнинг кундалик ҳаёти, қувончу ташвишлари, орзу-интилишлари ва муаммолари бир-бирига туташадиган, ҳамжиҳатлик ва ўзаро кўмак қадр топадиган муҳит. Бу ерда зиёлининг обрўси муҳим аҳамият касб этади. У маҳалла ёшларининг таълим-тарбиясига кўмаклашиш, иқтидорли фарзандларни қўллаб-қувватлаш, китобхонлик ва маърифий тадбирларни ташкил этишда ташаббус кўрсатади. Шунингдек, оилалар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, кекса авлод тажрибасини ёшларга етказиш, эҳтиёжманд инсонларга кўмак бериш каби хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшади. Баъзан бир инсоннинг оқилона маслаҳати, холис муносабати ёки амалий ёрдами маҳалладаги муайян муаммонинг ҳал этилишига туртки бўлади.

У одамларни тайёр ечим кутишга эмас, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, муаммоларни биргаликда ҳал этишга ундайди. Бундай фаоллик маҳаллада ўзаро ишонч ва дахлдорлик туйғусини кучайтиради.

МЕҲНАТНИНГ МУАЙЯН ҚИЙМАТИ

Миллатнинг келажагига ишонч бугунги куннинг амалий натижалари, илм-фан ва тафаккур салоҳияти, ёш авлод учун яратилаётган имкониятлар билан мустаҳкамланади. Бу жараёнда зиёлиларнинг меҳнати алоҳида ўрин тутади. Чунки улар фақат бугунги вазифаларни бажарибгина қолмай, эртанги куннинг интеллектуал ва маънавий асосларини ҳам яратадилар.

Илм-фан соҳасидаги изланишлар, таълимдаги янгиланишлар, тиббиётдаги ютуқлар, маданият ва санъатдаги ижодий кашфиётлар, ишлаб чиқаришдаги технологик ечимлар замирида инсонларнинг билимга чанқоқлиги ва фидойилиги мужассам. Ҳар бир пухта тадқиқот, сифатли дарс, янги ишланма ёки ижодий асар келажак учун муайян қиймат яратади. Бу меҳнатнинг самараси баъзан дарҳол кўзга ташланмаслиги мумкин, аммо йиллар ўтиб, унинг натижаси камолга етган шогирдлар, ҳаётга татбиқ этилган ғоялар ва жамиятда қарор топган янги қарашларда намоён бўлади.

Айни пайтда, ахборот тезлиги ва турли қарашлар таъсири кучайган замонда зиёлиларнинг холис сўзи, теран таҳлили ва маърифий позициясига эҳтиёж ортиб бормоқда.

Зиёли инсон бу жараёнда одамларни тайёр хулосаларга эргаштиришга эмас, мустақил фикрлашга, савол бериш ва ҳақиқатни излашга ундайди. Бу эса жамиятнинг маънавий барқарорлиги ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Албатта, зиёлиларга бўлган ҳурмат улар зиммасига муайян масъулият ҳам юклайди. Одамлар уларнинг фикрига эътибор қаратар экан, сўзи билан амали ўртасида мувофиқлик бўлишини кутади. Шунинг учун зиёли инсон ўз обрўсини асрашни эмас, унга муносиб яшашни муҳим деб билиши керак. У манманликдан йироқ бўлиши, ўзгаларнинг фикрини тинглаши, хатосини тан олишдан қочмаслиги ва ҳақиқатни шахсий манфаатдан устун қўйиши лозим.

Аслида, зиёлиликнинг энг юксак мезони – инсоннинг ўзидан кейин қандай из қолдиришидадир. Унинг қадри фақат ютуқ ёки эътирофлари билан эмас, тарбиялаган фарзандлари, камолга етказган шогирдлари, одамлар ҳаётига олиб кирган эзгу ўзгаришлари билан ҳам ўлчанади. Оиласида меҳр ва маърифат муҳитини яратган, маҳалласида ҳамжиҳатликка ҳисса қўшган, касби орқали элга наф келтирган инсоннинг таъсири ўз умридан кейин ҳам давом этади.

Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази эксперти

Бошланиши 1-саҳифада.

ИЗЛАНИШДАН НАТИЖАГА

ЯНГИ МАТЕРИАЛЛАР – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Институтимизда физика ва материалшуносликнинг кўплаб йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Бевосита ўзим ва илмий гуруҳимиз фаолиятига тўхталадиган бўлсам, изланишларимиз, асосан, кремний-углерод асосида янги материаллар яратиш, амалиётдаги муаммоларга ечим топиш ва улар асосида самарали технологиялар ишлаб чиқишга қаратилган.

Кремний олиш, кремнийли қотишмалар ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ва уларнинг хусусиятларини модификациялаш устида ишлаймиз. Ушбу йўналишдаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган кўплаб патентларимиз ҳам мавжуд. Мақсадимиз – илмий изланишлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва янги материаллардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришдир.

Тадқиқотларимизнинг яна бир муҳим йўналиши – аккумулятор батареялари учун ишлатиладиган материалларни такомиллаштиришга қаратилган. Бугунги кунда аккумуляторлар мобил телефонлар, маиший техника, электромобиллар ва бошқа кўплаб қурилмаларда кенг қўлланилади. Шу боис, уларнинг энергия сиғимини ошириш, хизмат муддатини узайтириш ва ишлаш самарадорлигини яхшилаш долзарб вазифалардан бири.

КРЕМНИЙ – ИСТИҚБОЛЛИ МАТЕРИАЛ

Бугунги кунда мобил телефонлар ва кўплаб электромобилларда литий-ион аккумуляторларидан фойдаланилади. Бундай аккумуляторларда анод ва катод деб атаган иккита электрод мавжуд. Анод материали сифатида асосан графит қўлланилади. Кремнийнинг назарий солиштирма сиғими графитникидан қарийб ўн баравар юқори. Бу эса кремний асосидаги материаллардан фойдаланиш орқали аккумуляторларда кўпроқ энергия сақлаш имконияти мавжудлигини англатади.



Шу сабабли, биз кремний асосидаги материалларни яратиш ва уларни аккумуляторларнинг анод қисмида қўллаш устида ишлаяпмиз. Бироқ кремнийнинг юқори сиғимига қарамай, ундан фойдаланишда муайян технологик муаммолар мавжуд. Аккумулятор зарядланиб-бўшатилиши давомида кремний ҳажми сезиларли даражада ўзгаради. Натижада анод материали ёрилиши, емирилиши ва ўз хусусиятларини йўқотиши мумкин. Бу эса аккумуляторнинг ишлаш самарадорлиги ҳамда хизмат муддатига салбий таъсир кўрсатади.

Бизнинг вазифамиз – кремнийнинг юқори сиғимидан фойдаланиш билан бирга, унинг ҳажмий кенгайиши оқибатларини камайтиришдан иборат. Бунинг учун, масалан, ғовакли тузилишга эга материаллар яратиш мумкин. Бундай структуралардаги бўшлиқлар кремнийнинг кенгайиши учун жой ажратиб, аноднинг ёрилиши ва емирилишини камайтиришга ёрдам беради. Ҳозирги тадқиқотларимизда айнан шундай материалларни ишлаб чиқиш ва уларнинг хусусиятларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

КЕЛАЖАК АККУМУЛЯТОРЛАРИ

Ҳозирги кунда натрий-ион аккумуляторлари учун материаллар яратиш устида ҳам ишлаяпмиз. Литий енгил ва ион радиуси кичик элемент бўлгани сабабли, заряд ташиш жараёнида қулай хусусиятларга эга. Натрий ионининг радиуси эса литий иониникидан каттароқ. Шу боис, натрий-ион аккумуляторларида ҳам ўзига хос технологик масалаларни ҳал этиш талаб қилинади. Шунга қарамай, натрий-ион аккумуляторларининг истиқболи порлоқ. Уларни, айниқса, стационар энергия сақлаш тизимларида қўллаш мумкин. Бундай тизимларда энергия маълум жойда тўпланади ва зарур вақтда фойдаланилади. Бу ерда аккумуляторнинг енгил ёки ихчамлиги ҳар доим ҳам ҳал қилувчи омил бўлавермайди.



Демак, турли аккумулятор технологияларининг ўзига хос афзалликлари ва чекловлари мавжуд. Муҳими, муайян эҳтиёждан келиб чиқиб, энг мақбул материал ва технологияни танлашдир.

ЧИҚИНДИДАН ХОМАШЁГА

Илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ва маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш борасида ҳам муҳим изланишлар олиб боряпмиз. Масалан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида мис ишлаб чиқариш жараёнида катта миқдорда техноген чиқиндилар ҳосил бўлади. Биз ушбу чиқиндиларни қайта ишлаб, таркибидан кремнийни ажратиб олиш ва уни тиклаш орқали аккумулятор батареяларида қўллаш имкониятларини ўрганмоқдамиз. Бу ёндашув бир вақтнинг ўзида иккита муҳим вазифани ҳал этишга хизмат қилади. Биринчидан, саноат чиқиндиларини қайта ишлаш орқали уларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш мумкин. Иккинчидан, аккумуляторлар учун зарур материалларни олиш харажатларини қисқартириш. Яъни, чиқиндига айланаётган ресурсдан янги маҳсулот яратишда фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, мамлакатимизда кремний ишлаб чиқариш бўйича Навоий ва Ангренда заводлар барпо этилган. Маҳаллий саноатнинг кремний ва ферросилицийга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олсак, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Тадқиқотларимиз давомида ферросилиций ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш орқали хомашё ва энергия ресурсларини тежаш имкониятлари ҳам кўрсатиб берилди. Жумладан, бир тонна ферросилиций ишлаб чиқаришда 200-205 килограмм кварцитни тежаш ҳамда электр энергияси сарфини 20-30 фоизгача камайтириш имкониятлари аниқланган. Бундай натижалар ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Электромобиллар сони ортиб бораётган бир пайтда, ишлаш муддати тугаган аккумуляторларни қайта ишлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Албатта, бу ҳам келажакда жиддий эътибор талаб қиладиган масалалардан биридир.

Электромобиллар мамлакатимизда тобора кенг тарқалиб бораётганини ҳисобга олсак, ишлаш муддати тугаган аккумуляторларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш муаммоси янада долзарб бўлади. Ишлатилган аккумуляторларни шунчаки чиқиндига чиқариб ташлаш ўрнига, уларнинг таркибидаги қимматли материалларни қайта ажратиб олиш ёки техник жиҳатдан яроқли қисмларидан қайта фойдаланиш имкониятларини ўрганиш зарур. Бу орқали атроф-муҳитга етказиладиган зарарни камайтириш ва табиий ресурсларни тежаш мумкин.

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА
ёзиб олди.



Чин олим хийладан узоқдир, узоқ,
Нурнинг ўз сояси бўлмайди ҳеч чоғ.

Хусрав ДЕҲЛАВИЙ

ҲИМОЯ

БАРИ БОЛА БИРДАЙ

20 ноябрь – Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинган кун. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34 йиллиги санаси яқинлашмоқда. Ҳар икки ҳужжатнинг марказида инсон қадри, ҳақ-ҳуқуқи турибди, жумладан, бола ҳуқуқи ҳам. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 44-моддасига асосан, болалар меҳнатининг боланинг соғлиғи, хавфсизлиги, ахлоқи, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланди. Биринчи марта таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши 50-модда билан алоҳида мустаҳкамланди. Энг муҳими, “Оила, болалар ва ёшлар” деб аталган янги боб Бош Қомусимиздан жой олди.

Олий ҳужжатнинг 77-моддасига кўра, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиш, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдир. Давлат ва жамият етим ҳамда ота-она васийлигидан маҳрум болаларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради. 78-моддада эса боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги алоҳида кўрсатилган.

Янги таҳрирдаги Конституцияда боланинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатлаш ва таъминлаш қонунчиликда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, Оила кодексининг 68-моддаси қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши кераклиги тўғрисида янги мазмундаги жумла билан тўлдирилди. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича янги модда киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилда “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони имзоланиши жамият ҳаёти ва миллий қонунчилигимизда янги даврни бошлаб берган эди. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши эса халқимиз кутган воқеа бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёеванинг ушбу қонунга муносабати ҳам ҳужжатнинг тарихий аҳамиятини кўрсатиб беради: “Ёш болага нисбатан зўравонликка асло тоқат қилиб бўлмайди, жазо эса муқаррар ва муросасиз бўлиши шарт. Ўзбекистон Президенти бирданига 5 та кодекс ва 6 та қонунга ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи қонунни имзолади. Болага зулм қилган, унга жисмоний ёки руҳий азоб берган ҳар бир кимса – у хоҳ таълим муассасаси ходими бўлсин, хоҳ яқин қариндоши – жавобгарликка тортилади. Боланинг ўлимига сабаб бўлган жиноятлар учун берилган жазо асло енгиллаштирилмайди. Бундан буён 14 ёшга тўлмаган болага нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсларга 25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод қамоқ жазоси тайинланади. Бундай оғир жиноятлар бўйича жавобгарликка тортиш муддатида чеклов бўлмайди. Ёш боланинг хавфсизлиги шарт-шароит ёки вазиятларга боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Болалар ҳаёти, соғлиғи, ор-номусига тажовуз қилган ҳар қандай кимса қатъий жазодан қочиб қутула олмаслигини билиши шарт”.

* * *

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон болаларига мурожаат қилиб шундай дейди: **“Азиз фарзандларим, сизларга бахтли ва саодатли ҳаёт эшикларини очадиган калит ҳам, умр йўлларингизда пайдо бўладиган мураккаб саволларнинг ечими, синов ва машаққатларни енгиб ўтишнинг кафолати ҳам фақат билим, билим ва билимдир. Гўзал ёшликнинг ҳар бир дақиқасини қадрлаб, янги илм, ғоя ва инновацияларни, касб ва ҳунарларни, она тилимиз, бой тарихимиз ва маданиятимиз асосларини пухта эгалланг. Жаҳон тарихи ва хорижий тилларни ҳам астойдил ўрганинг. Изланиш ва ҳаракатдан ҳеч қачон тўхтаманг”.**

Диёрбек СОАТАЛИЕВ
тайёрлади.

ЭСТАФЕТА



БИР БАЙРОҚ ОСТИДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганининг 35 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб “Бир байроқ остида” шиори остида ўтган эстафета пойтахтда тантанавор руҳда якунланди. Эстафета давомида босиб ўтилган умумий масофа 2 минг 440 километрни ташкил этди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан 11-18 ноябрь кунлари ташкил этилган эстафета мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона мақсад ва эзгу ғоя атрофида бирлаштирди. Давлат байроқлари учта асосий йўналиш бўйлаб пойтахтга олиб келинди.

Байрам тантаналари кун бўйи давом этиб, кечки дастур ҳам ўзига хос таассуротларга бой бўлди. “Халқлар дўстлиги” саройи майдонида ташкил этилган дрон-шоу тадбир иштирокчилари ва томошабинлар учун унутилмас лаҳзаларни тақдим этди. Осмонга кўтарилган юзлаб дронлар уйғун ҳаракатлар орқали турли ёруғлик композицияларини ҳосил қилди. Тунги осмон узра намоён бўлган тасвирларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва бошқа рамзлар акс этиб, замонавий технологиялар орқали миллий қадриятлар ва Ватанга муҳаббат ғояси ўзига хос тарзда ифодаланди.

Эстафета мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаётган инсонларни ягона мақсад атрофида бирлаштириш, ёш авлод қалбида миллий ғурур ва Ватанга дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим маънавий-маърифий ташаббус сифатида аҳамиятли бўлди.

З.МАМАТОВ



МАЁҚ

ТИЛНИ АСРАГАН ЖАДИДЛАР



Бундан бир аср аввал Туркистонда тил масаласи фақат тилшунослар баҳси эмас, миллат келажаги масаласи эди: мактабда қайси тилда ўқитилади, газета қайси тилда чиқади, ёзув нимага асосланади? Фитрат, Ашурали Зоҳирий ва уларнинг сафдошлари шу саволларга жавоб излаб, ўзбек адабий тилининг замонавий қиёфаси шаклланишига улкан ҳисса қўшди.

Жараён табиий равишда мактабларда таълим қайси тилда олиб борилиши кераклиги масаласини ҳам кун тартибига олиб чиқди. 1918 йилда Маориф шўросининг йиғилишларидан бирида бошланғич мактабнинг дастлабки уч йилида она тилида, яъни, ўзбек тилида, ундан кейинги босқичларда эса умумий адабий туркий тилда таълим бериш таклифи илгари сурилди. Бу қарор жадидларнинг барчаси томонидан бирдек маъқулланмади. Шундай тарихий шароитда Абдурауф Фитрат бошчилигида Тошкентда “Чиғатой гурунги” ташкил топди. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, уюшма 1918 йилнинг охирги чорагида шаклланган, 1919 йил бошида эса Миллий ишлар комиссарлиги томонидан расман тасдиқланган. Унинг асосий мақсади Туркистондаги эски ва янги туркий асарларни тўплаш, она тилини жонлантириш, луғат ва адабиётни бойитиш эди. Гурунг аъзолари янги адабиёт ва адабий тилни Навоий даври адабиётининг вориси деб билди ва уни миллий ўзбек тили сифатида янги тарихий шароитда юксалтиришни истади.

Гурунг фақат назария билан чекланмади. 1919 йилда ўқитувчилар учун “Битим йўллари” номли имло қўлланмаси нашр этилди, ўша йилнинг баҳорида эса ўқитувчилар учун икки ойлик она тили курси очилди; унда Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазон ва Фитрат дарс берди. 1921 йил январида гурунг ташаббуси билан Тошкентда Тил ва имло қурултойи чақирилиб, эски имло ислоҳ қилинди ва гурунгнинг имло асослари қабул қилинди. Гурунгчилар қурултойни “Ўзбек қурултойи” деб атаб, фақат ўзбекларнинг ўз шеваси ва ўз имлосидан фойдаланишини мақсад қилгани ҳам диққатга сазовор. Гурунг вакиллари ўзбек тилига ёт унсурларни камайтириш, меъёридан ортиқ ишлатилаётган арабий ва форсий сўзлар ўрнига ўзбек тилининг ички имкониятларидан фойдаланишга эътибор қаратди. Бундан ташқари, улар янги ўзбек адабиёти ва адабий тилини янги шароитда яратишга уринди.

Гурунгнинг расмий фаолияти узоқ давом этмади. 1921 йил бошида уюшма фаолияти тўхтатилиб, унинг ишлари Маориф комиссарлиги ҳузуридаги Ўзбек билим ҳайъатига топширилди, бироқ ғоялар яшашда давом этди. Гурунг аъзолари Фитрат, Қаюм Рамазон, Элбек, Шокиржон Раҳимий, Чўлпон, Боту ва бошқалар кейинги йилларда ҳам тил, имло ва ёзув масалаларида фаол бўлди, айримлари ўзбек ёзувини лотин алифбосига кўчириш ишида иштирок этди. Уларнинг аксарияти кейинчалик қатағон қурбони бўлди.

* * *

Фитрат тил ҳақидаги концепциясида ҳар бир тилнинг ўзига хос имкониятлари мавжудлиги ва тил ўз ички қонуниятлари асосида ривожланиши кераклигини таъкидлади. Шу жиҳатдан унинг қарашларини прогрессив пуризм тушунчаси билан изоҳлаш мумкин. (Пуризм – тилни бегона унсурлардан тозалаш тарафдорлиги.) У кенг маъноли пуризм тарафдори бўлиб, ижтимоий алоқа натижасида тилларнинг бир-биридан сўз ўзлаштиришини эътироф этган ҳолда, тилнинг софлиги учун курашди. “Бизнинг ҳеч қайси тилга хусуматимиз йўқ”, деган эди у. Фитрат ўзбек тилида ифодалаш имконияти мавжуд бўлган арабча ва форсча сўзларнинг туркий, хусусан, ўзбекча муқобилларини излаш лозимлигини айтади. Унингча, ўзбек тилининг имкониятларини очиш учун грамматик қурилиши, луғат бойлиги, шевалари ва халқ оғзаки ижодини чуқур тадқиқ этиш керак. Ёзув ҳақидаги фикрлари ҳам шу мантиққа таянади: *“Бошқа элларнинг ёзув ва алифболарида қурилган тартиб, интизом, қулайлик бизни ёзувимизда, бизни алифбомизда йўқ… Бизники тартибсиз, бузуқ ҳам қийин”.*

Фитрат ўзбек адабий тилининг тарихий илдизларига ҳам катта аҳамият берди. Унинг асосий мақсади ўзбек тилининг имкониятларини бошқа бир тилнинг тайёр меъёрлари асосида белгилаш эмас, балки ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан очиб бериш ва аниқ грамматик қоидаларини ишлаб чиқиш эди. Бу қарашлар давр руҳи билан ҳамоҳанг эди. 1921 йилги тил ва имло қурултойи қарорида шундай дейилган: *“ўзбек адабиёти бутун чет миллат ва қабилаларнинг таъсиридан қутулиб чин маъноси билан асл ўзбек халқининг адабиёти бўлсин”.*

У муҳим бир муаммони ҳам тан олди: ўзбек тилининг аниқ ва тизимли грамматик қоидаларини ҳали тўлиқ ишлаб чиқиш зарур эди. Маълум эҳтиёждан “Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба” асари туғилди. Икки қисм – “Сарф” ва “Наҳв”дан иборат бу асар ўзбек тилининг фонетик, морфологик ва синтактик хусусиятларини изчил тавсифлашга қаратилган эди. “Сарф” 1925 йилда биринчи марта, 1927 йилда эса бешинчи марта босмада чоп этилган, яъни, маълум муддат мактабларда дарслик сифатида фойдаланилган. Мутахассислар уни она тили эгаси томонидан яратилган биринчи ўзбек тили грамматикаси, деб баҳолайди. Ушбу грамматика кейинчалик яратилган тадқиқотлар учун ҳам муҳим асос бўлди.

Фитрат ўзбек тилининг табиий бойлигини излашда халқ тилига ҳам катта аҳамият берди. Унинг кузатишича, шаҳарликлар нутқида арабча ва форсча унсурлар нисбатан кўпроқ учраши мумкин эди. Шу сабабли, у қишлоқ шеваларини, халқ орасида кенг тарқалган достон, эртак ва ҳикояларни ўрганишни муҳим деб ҳисоблади. Чунки халқ оғзаки ижодида тилнинг табиий ва миллий имкониятлари, халқона сўз бойлиги ва грамматик шакллари яхшироқ сақланган.

* * *

Ашурали Зоҳирий мактаб таълими учун зарур дарслик ва қўлланмаларни яратишга катта аҳамият берди. 1916 йилда ёзилган “Имло” китобида араб графикаси асосидаги ўзбек ёзувида тўғри ёзиш қоидалари ҳамда пунктуация масалалари тизимли баён этилган. 1920 йилларга келиб ўзбек ёзуви масаласи янада долзарб тус олди. Жадид зиёлилари араб ёзувининг ўзбек тили фонологик тизимини тўлиқ ифодалашдаги имкониятлари чеклангани, ҳарф шакллари эса тез ва қулай ёзиш талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини таъкидлай бошлади. 1926 йилда Бокуда ўтган туркологлар қурултойида туркий халқларнинг лотин ёзувига ўтиши масаласи муҳокама қилиниб, бу борада муайян қарорлар қабул қилинди.

Зоҳирийнинг ўзбек тилига муносабати матбуотдаги чиқишларида ҳам яққол кўринади. 1924 йил 21 июнда “Фарғона” газетасида эълон қилинган “Олти йиллик ўзбек адабиёти (босма сўзи)га бир қараш” мақоласида у матбуот тилида учраётган ўзбек тилига ёт лексик ва грамматик бирликларни, айниқса, татар ва усмонли турк тилига хос шаклларнинг ортиқча қўлланишини танқид қилади. Шу билан бирга, ўзбек тилининг табиий имкониятларини намоён қилувчи нашрларни ижобий баҳолайди. Жумладан, 1920 йил 9 апрелидан “Ёш бухороликлар” чиқарган “Тенг” журналининг атиги уч сони нашр этилган бўлса-да, унинг тили соф ўзбекчалиги ва мазмунининг муҳимлигини алоҳида таъкидлайди. Демак, Зоҳирий ўзбек тилини бошқа туркий тиллардан узиб қўйишни эмас, унинг ўзига хос имкониятларини асраб-авайлашни истаган.

Зоҳирийнинг амалий хизматларидан яна бири – “Русча-ўзбекча мукаммал луғат” (икки жилд, 1927-1928) эди. Луғатда тахминан 34 минг сўз бор; Зоҳирий қозонлик “Русча-татарча мукаммал луғат”нинг татарча томонини ўзбекчага ўгириб, халқнинг жонли сўзлашув тилидан кўплаб сўз ва бирикмаларни киритган. Заки Валидий бу луғатни ўзбеклар илмий фаолиятининг охирги икки йилдаги энг муҳим ишларидан бири деб баҳолаган. Зоҳирий учун “тилни ўзбекчалаштириш” луғат ва терминларни халқ тили захираси билан бойитиш демак эди. Зоҳирийнинг тил масаласидаги қарашлари 1929 йил 29 мартда “Қизил Ўзбекистон” газетасида “Тил, атама ва имло баҳслари” рукни остида эълон қилинган “Тил ва имло масаласи” мақоласида янада аниқ ифодаланган. Унда адабий тил ва жонли сўзлашув тили ўртасидаги муносабат, адабий тилнинг таянч шевалари, терминология ва имло масалалари ҳақида фикр юритилади. Зоҳирий янги тушунчаларни ифодалаш учун имкон қадар ўзбек тилининг ички бойлигидан фойдаланиш кераклигини уқтиради; бироқ ўз тилида муайян тушунчага мос бирлик бўлмаса, бошқа тиллардан – арабча, форсча ёки Европа тилларидан сўз олиш мумкин, дейди.

Бу сабоқ бугун ҳам ўз кучини йўқотмаган: тил – шунчаки алоқа воситаси эмас, миллатнинг тарихи, тафаккури ва маънавий мулки. Уни асраш эса бегона сўздан қочиш эмас, ўз тилимизнинг ички бойлигини билиш, ўрганиш ва ундан оқилона фойдаланишдан бошланади.

Валишер АБИРОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти,

Эъзоза МАМАСИДДИҚОВА,
университет талабаси



> **Фикр гар яхши тарбият топса –**
> **Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.**
>
> **Абдулла АВЛОНИЙ**

ФЕСТИВАЛЬ

ТЕАТР КУНЛАРИ

Туркистонда ғоялар кураши авжига чиқар экан, жадидлар замонанинг энг илғор “қурол”ларига эҳтиёж сезар эдилар. Улар янги усул мактаблари ва матбуот билан бир қаторда, миллий театр санъатига ҳам тамал тошини қўйдилар. Жадидлар театрни шунчаки томошалар қўйиладиган саҳна эмас, балки барчанинг “кўзини очадиган”, одамлар онгига тез таъсир қилувчи жонли восита – “ибратхона” сифатида кўрган эдилар.

Дарҳақиқат, театр инсон руҳини поклайдиган, жамиятнинг маънавий қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир. Бугун биз жадидлар орзу қилган кунларда яшаяпмиз. Нафақат пойтахтимизда, ҳар бир ҳудудда ҳам театрлар самарали фаолият олиб бораётир.



Шу кунларда Тошкент шаҳри “Республика театр санъати фестивали”га мезбонлик қилмоқда. 16 ноябрь куни Ўзбек Миллий академик драма театрида тантанали очилган ушбу йирик санъат анжумани 21 ноябргача давом этиб, унда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган театр жамоалари энг сара спектаклларини намойиш этадилар. Фестивалдан мақсад – театр жамоаларининг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш, ёш режиссёр ва актёрларнинг маҳоратини юзага чиқариш, энг асосийси, томошабинларга замонавий ва мумтоз драматургиянинг энг яхши намуналарини тақдим этишдан иборат.

Фестиваль дастури бой ва ранг-баранг. Ҳафта якунигача, томошабинлар эътиборига “Биринчи қалдирғоч”, “Миллат фидойиси”, “Лайлаклар ноласи”, “Манқурт” сингари чуқур фалсафий ва маърифий руҳдаги асарлар, қўғирчоқ театрларида эса болажонлар учун “Али бобо ва қирқ қароқчи”, “Чемодан” каби спектакллар намойиш этилади.

Ушбу маданий тадбир соҳа мутахассислари учун ҳам ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Ҳар бир намойишдан сўнг таниқли санъатшунослар ва тажрибали режиссёрлар иштирокида ижодий муҳокамалар ташкил этилмоқда. Бу эса театр жамоаларига ўз ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, саҳна асарлари орқали инсонийлик, ватанпарварлик, тинчлик ва шукроналик каби эзгу ғояларни тараннум этаётган фестиваль томошабинлар қалбида унутилмас таассуротлар қолдириши, шубҳасиз.

Жамолиддин БАДАЛОВ

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ЙИЛ СЎЗИ

Кембриж инглиз тили луғати “human” (“инсоний”) сўзини 2026 йилнинг энг муҳим сўзи деб танлади.



Луғат муаллифлари бу танловни сунъий интеллектнинг кундалик ҳаётга кенг кириб келаётгани билан изоҳлади. Эндиликда мазкур сўз инсон ва сунъий интеллект яратган маҳсулотларни фарқлашда фаол қўлланмоқда.

НОЁБ ҚАБИЛА СУРАТЛАРИ



Бразилиядаги Амазонка ўрмонларида ташқи дунёдан ажралиб яшовчи Ава қабиласи вакилларининг ноёб суратлари эълон қилинди – 20 га яқин қабила аъзоси ҳукумат жамоаси билан учрашиб, озиқ-овқат сўраган.

“Reuters” хабарига кўра, ҳуқуқ ҳимоячилари бу ҳолатни қабила ҳудудига бегоналар бостириб кираётгани билан изоҳлаган. Ўрмон кесувчилар, овчилар ва чорвадорлар босими сабабли, маҳаллий халқ жиддий хавф остида қолмоқда.

ВИЗАСИЗ МАМЛАКАТЛАР СОНИ ОШИРИЛАДИ

Қирғизистон яна 18 та давлат фуқаролари учун визасиз режим жорий этишни ҳамда хорижликларнинг мамлакатда визасиз қолиш муддатини 30 кундан 60 кунгача узайтиришни режалаштирмоқда.



“24.kg” хабарига кўра, тегишли қарор лойиҳаси Иқтисодиёт ва тижорат вазирлиги томонидан жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилган.

УЧУВЧИСИЗ ЮК САМОЛЁТИ



Хитойда дунёдаги энг йирик учувчисиз юк самолёти сифатида тақдим этилаётган “W5000” илк синов парвозини муваффақиятли амалга оширди.

“Naked Science” хабарига кўра, самолёт беш тоннагача юкни 2600 километр масофага ташишга қодир. Автоном тизимда парвоз қилувчи ҳаво кемаси ердаги мутахассислар томонидан назорат қилинади.

АҲОЛИ СОНИ ТАҲЛИЛИ

2050 йилга бориб мамлакатларнинг аҳоли сони бўйича жаҳон рейтинги сезиларли даражада ўзгаради – Ҳиндистон аҳолиси 193 миллионга кўпайиши, Хитойники эса 121 миллионга камайиши кутилмоқда.



АҚШ Аҳолини рўйхатга олиш бюроси маълумотларига кўра, айрим йирик давлатлар аҳоли қисқаришига дуч келади. Нигерия эса АҚШни ортда қолдириб, дунёда учинчи ўринга чиқиши мумкин.

Шахмат ҳам, шеър ҳам абадий...

Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов шахсияти ва ижоди ҳақида мушоҳада юритганда, кўз олдимизда нафақат буюк сўз заргари, балки миллатнинг теран ақл соҳиби, юксак маданият эгаси гавдаланади. Буюк шоирнинг ҳаёти, дунёқараши ва тафаккур тарзи ўзига хос маърифат ва ибрат мактаби эди. Мен бу зотнинг салкам қирқ йил давомида яқин маслакдошлари, миллат зиёлилари билан курган ва ўзбек маданияти тарихида бетакрор ҳодисага айланган “Шахмат гап” йиғинларининг жонли гувоҳи бўлганимдан фахрланаман.

Шахматчилар давраси шунчаки дўстлар дийдори эмас, балки шиддатли баҳслар, ақл ва мантиқ тўқнашадиган ҳақиқий тафаккур майдони эди. Бу йиғинлар рамзий маънода ўша давр миллий тафаккурининг сиёсий ва ижтимоий барометри вазифасини бажарган, десак, асло муболаға бўлмас. Ўша пайтларда ҳали мактаб ёки университет дарсликларида учрамайдиган ва расмий тарих саҳифаларига кириб улгурмаган Амир Темур даҳосининг жозибаси – Соҳибқироннинг шахматга бўлган фавқулодда мойиллиги ва бу сирли ўйиннинг давлат бошқарувидаги асл ҳикматлари ҳақидаги ноёб маълумотларни мен илк маротаба айнан Эркин аканинг ўзидан эшитганимни алоҳида таъкидлашни истардим.

Гарчи ўша йилларда тарихчи олимлар томонидан Ибн Арабшоҳ асарлари ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинган бўлса-да, бу манбалардаги мураккаб шахмат чизмалари кенг жамоатчилик учун ҳануз мавҳумлигича қолаётган эди. Устоз шоиримиз Францияга сафари давомида Париж Миллий кутубхонасининг нодир қўлёзмалар фондига киради. У ерда сақланаётган қадимий Шарқ қўлёзмаларининг асл нусхаларини ўз кўзи билан кўриб, ундаги Амир Темур даврига оид шахмат чизмалари ва шарҳлари билан танишади. У киши ўзининг бу кашфиётлари, юракни ҳаяжонга солувчи тарихий ҳақиқатларни навбатдаги “Шахмат гап” йиғинида қадрдон дўстларига чексиз ғурур, юксак эҳтирос билан сўзлаб берганди.

Эркин ака Париж фондларида танишган ўша ноёб манба машҳур араб солномачиси Ибн Арабшоҳнинг “Ажоиб ал-мақдур фи навоиб Темур” (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”) номли асарининг XV асрга оид қадимий нусхаси эди. Ушбу нодир қўлёзмада баён этилишича, Амир Темурга оддий 64 катакли шахмат тахтаси торлик қилган. У зот роппа-роса 112 катакдан иборат машҳур “Шатранжи кабир” ўйинига асос солган. Бу ўйинда туя, жирафа, фил, дев ва айғоқчи каби қўшимча ҳарбий фигуралар ҳаракатлангани ўша Франциядаги қўлёзма саҳифаларида муҳрланганди.

Диққатга сазовор жиҳати, мана шу улуғвор интеллектуал анъаналарни даврлар оша XX асрнинг 20-30-йилларида яшаб ижод қилган жадид зиёлиларимиз давом эттирди. Қатағон қиличлари яланғочланган, эркин сиёсий ва ижтимоий баҳслар тақиқланган ўша оғир даврларда Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Элбек каби миллат фидойилари айнан шахмат тахтаси атрофида тўпланишарди. Лазиз Азиззода ва Ҳабибулла Қодирийнинг қайдларига кўра, Тошкентнинг Самарқанд дарвозасидаги Қодирий хонадонида ёки Кўкча даҳасининг сўлим Боғ кўчасидаги зиёлилар даврасида тез-тез учрашувлар ташкил этилиб, шахмат мусобақалари бўлар экан. Мана шу улуғ занжир – юксак зарофат, беғараз кулги ва ақл синовлари XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, “Шахмат гап” кўринишида Эркин Воҳидов бошлиқ зиёлилар даврасига олтин мерос бўлиб ўтган бўлса, не ажаб. Бу, гўзал ворисийликнинг ажойиб намунаси эмасми?

“Шахмат гап” йиғилишлари салкам қирқ йил – йигирманчи аср 60-йилларининг охири ва янги минг йилликнинг бошигача давом этган бетакрор норасмий тафаккур академиясига айланди. Ушбу давранинг фаол қатнашчилари бўлган улуғ зотлар номини бугун ўзбек миллати фахр ва эҳтиром билан тилга олади: атоқли адабиётшунос олимлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Озод Шарафиддинов ҳамда Иброҳим Ғафуров, Миллий университет доценти Раҳматулла Иноғомов, халқаро даражадаги



“Шахмат гап” йиғини иштирокчилари Эркин Воҳидов хонадонида. Биринчи қаторда (ўнгдан чапга): Улуғбек Элбеков, Анвар Абдусамадов ва Раҳматулла Иноғомов. Орқа қаторда: Анвар Иноқов, Эркин Воҳидов ва Иброҳим Ғофуров. 1986 йил.

шахмат ҳаками Мамажон Муҳитдинов, моҳир шахматчи Улуғбек Элбеков, таниқли олим Анвар Абдусамадов, эл ардоғидаги жарроҳ Маҳмуд Юнусов, иқтисодчи Ҳуснитдин Муҳитдинов ва шахмат усталари Акрам Тошхўжаев, Анвар Иноқов, Аловуддин Ҳусниддинов... Бу улуғлар даврасининг машъали, унинг уриб турган толмас юраги, шубҳасиз, Эркин Воҳидов эди. Кейинчалик устоз шоир давлат ва жамоат арбоби сифатида ниҳоятда масъул вазифаларда ишлаб юрган, вақти сонияларигача ҳисобланган энг банд пайтларида ҳам бу йиғинда қатнашишни канда қилмади. Муҳим давлат ишлари, кундалик чарчоқлар ва улкан ижтимоий юклар шоирни ўзи талпинган ушбу маънавият ошёнидан тўсиб қола олмасди. “Шахмат гап” бўладиган куни у киши алоҳида бир масъулият ва соғинч билан ҳаммадан аввал етиб келар, ўзининг нурли табассуми, юксак виқори ва одамийлик фазилати билан даврага ўзгача руҳ ва файз бағишларди.

Шахматчи улфатлар шунчаки олим ёки ижод кишиларигина бўлиб қолмай, шахмат илмининг ниҳоятда нозик ва теран билимдонлари ҳам эдилар. Эркин ака бошчилигидаги бу йиғин аъзолари шахмат оламидаги энг сўнгги янгиликларни, гроссмейстерлар ўртасидаги баҳсларни катта қизиқиш билан кузатиб борарди. Учрашувларда дунёнинг энг машҳур шахматчилари ўйнаган мураккаб партияларни тахтага бирма-бир териб, ундаги яширин стратегия ва тактик жумбоқларни катта маҳорат билан таҳлил қилишарди.

Айтиш жоизки, аҳли донишларнинг бу ўйинлари шунчаки қуруқ машғулот ёки совуқ ҳис-ҳаяжондан йироқ мусобақа эмасди.

Бу даврада ўзига хос гўзал ва юксак маданиятли ўйин қоидалари мавжуд эди. Иштирокчилар ҳазил ва чиройли киноя тариқасида махсус ўйин протоколларини юргизишар ва бу турнирни катта ифтихор билан “Жаҳон биринчилиги” деб номлашарди. Давранинг муқим бош ҳаками эса, одатдагидек, халқаро тоифадаги ҳакам – отахон Мамажон Муҳитдинов бўларди. Мамажон ака худди Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси финалини бошқараётгандек жиддий ва расмий қиёфада турнир варақаларга қайдлар киритар, финал протоколларини имзоларди. Бу ҳолат йиғинга янада завқли, жозибадор ва унутилмас, самимий руҳ бағишларди. Озод Шарафиддинов ва азалий рақиби Раҳматилла Иноғомовнинг кутилмаган ўйинлари ва ўткир юришларига жавобан Эркин Воҳидовнинг нозик юмор билан йўғрилган байти ёки латиф мутойибаси янграрди. Рақиб томон эса бунга зарофат ва ўткир аския билан жавоб қайтарарди.

Бу майдонда ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бирдек мамнун бўлар, давранинг ажабтовур маънавий завқидан руҳланарди. Ёниқ ва шиддатли лаҳзаларни англамоқ учун уни фақат кўриш керак эди. Бу ерда чинакам, самимий ва ҳаётбахш драматизм бор, аммо унда асло аламзадалик ёки хусумат йўқ; даврада фақат ва фақат тафаккурнинг гўзал завқи, ақл ва олийжаноблик уйғунлиги ҳукм сурарди. Баҳсларни ташқаридан кузатган одам, у ерда оддий ўйин эмас, балки олдиндан моҳирлик билан ёзилган, кулги ва зиддиятга тўла классик спектакль ижро этилаётганини ҳис қилиб турарди.

Тафаккур спектаклининг бош режиссёри эса – устоз, сўз ва ақл заргари Эркин Воҳидов эди. Йиғин ойда бир – якшанба куни эрталаб соат 10 да бошланиб, то тун ярми – соат 24 гача бир лаҳза ҳам сусаймасдан давом этарди. Ушбу забардаст сиймоларни шунча соат давомида бир жойга занжирбанд қилиб, соатлар ўтганини сездирмай ушлаб турган асл куч – шахматга бўлган чексиз муҳаббат ҳамда Эркин Воҳидов ва у киши атрофидаги дўстларининг юксак интеллектуал салоҳияти, ўзаро меҳр-оқибати эди.

Ушбу норасмий клубнинг нуфузи ва обрўси вақт ўтиб шу қадар баландладики, унга дунёнинг энг машҳур жаҳон шахматчилари ҳам ташриф буюришни ўзларига юксак шараф деб билишди. Ўзбекистоннинг илк гроссмейстери Георгий Агзамовдан тортиб, жаҳон чемпионлари Анатолий Карпов ва Гарри Каспаров ҳам Тошкентга сафар чоғида ушбу файзли ўзбекона давранинг азиз ва қадрли меҳмонлари бўлишган.

Айниқса, 2004 йилда Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони бўлиб, дунёни лол қолдирганида, ушбу улфатларнинг қувончини бир кўрсангиз эди! Буюк зафар хабарини эшитган шоирнинг кўзларидаги қувонч ёшлари, қалбидан тошиб чиққан миллий ғурур туйғуларини тасаввур этиш қийин эди. Негаки, Рустам Қосимжонов чемпионлик шоҳсупасига чиқишдан аввал мана шу табаррук даврада дона сурган, Эркин Воҳидов ва Озод Шарафиддинов каби миллат улуғларининг дуоси – оқ фотиҳасини олган эди.

Шоир ўзи йиллар давомида қалб қўри билан ардоқлаган шахмат анъанаси мана шундай жаҳоншумул мева берганидан беҳад бахтиёр бўлганди. Улуғ устозларнинг бирин-кетин бу ёруғ дунёни тарк этиши (руҳлари шод бўлсин!) билан ўзбек зиёлиларининг ноёб жавоҳири бўлган “Шахмат гап” йиғинлари ҳам ўз фаолиятини якунлади. Аммо Эркин Воҳидов асраб-авайлаган маънавий мерос, теран тафаккур мактаби асло йўқ бўлиб кетгани йўқ. Бугун ўзбек ёшларининг дунёда шахмат тожини ҳеч кимга бермай келаётгани, Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаларида олтин медалларни қўлга киритаётгани замирида ўша улуғ устозлар пойдеворини қўйган интеллектуал иқлим, маънавий тарбиянинг ҳиссаси беқиёс.

Бугун устоз шоирнинг 90 йиллик таваллуди арафасида биз ушбу хотира ва тарихий ҳақиқатларни эслаш орқали уларни келажак авлодга етказишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб билдик. “Шахмат гап” шунчаки дўстларнинг учрашуви эмас, у Эркин Воҳидов шахсияти ва даҳоси атрофида жипслашган, миллатнинг ақл-заковатини энг оғир йилларда ҳам соф ҳолда асраб қолган буюк бир мактаб эди. Тафаккур тахтасида бошланган ушбу юксак ва хайрли ўйинлар эса бугун янги авлодлар қалбида янги-янги жаҳоншумул зафарлар тимсолида изчил давом этмоқда.

Ёрқин ИНОҒОМОВ,
ёзувчи

ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАР



Бир ижодкор дўстим куйиниб айтиб қолди: “Яқинда туманимизда ўтказилган адабиёт ўқитувчиларининг йиғилишида қатнашар эканман, ўқитувчилардан: “Абдулла Гулшаний ҳақида ҳам ўқувчиларга маълумотлар берасизларми?” деб сўрадим. Аввалига улар ажабланиб бир-бирларига қараб олишди. Кейин кўксига “аълочи” нишонини таққан муаллим менга қараб деди: “Анови “Зарбулмасал”ни ёзганни айтяпсизми?..” Индамадим, аммо ич-ичимдан бир нима узилиб кетгандек бўлди.

Эй, дўстим, мана, юртимиз Истиқлолга эришганига ҳам ўттиз беш йилдан ошди. Айтинг, қачон бу лоқайдлик деган балодан қутуламиз-у, ўзлигимизни англаймиз?..”

АБДУЛЛА ГУЛШАНИЙ КИМ ЭДИ?

* * *

Ғазалхон шоир, таржимон, аруз ва муаммо илмининг билимдони Абдулла Абдураҳмон ўғли Гулшаний 1898 йил март ойида Шаҳрисабзнинг Зингарон маҳалласида косиб оиласида туғилган. Олти ёшдан эски мактабда ўқиб, ўн уч ёшида Қуръони Каримни ёд олади ва мударрисларнинг синовидан ўтгач, “қори” унвонига эришади. Ўн саккиз ёшида Мир Араб мадрасаси толиби бўлади. Навоий, Деҳлавий, Фузулий, Жомий, Фирдавсий, Бобур асарларини ўрганиш билан бирга, ўзи ҳам Гулшаний тахаллуси билан ғазаллар ёзиб, тез орада шоир бўлиб танилади. Дўстлари билан бирга ғазалларини жамлаб, “Туҳфат ул-аҳбоб”, яъни, “Дўстлар совғаси” номли девон тузади.

Абдулла Гулшаний 1917 йилнинг ёзида маҳалладоши мулла Худойқулнинг қизи Ҳикоятхонга уйланади. Ўша йилларда икки севишган дилнинг бир-бирига йўллаган ишқий мактуби эл-улус орасида машҳур бўлган.

Ҳикоятхон:
Сизга ёзиб юбордим ишқимнинг достонини,
Билмамки, бу хатодир ёки савоб бўлғай?
Абдулла:
Шеърингизни ўқиганда ҳайратда қолмаган ким,
Таҳсину офаринлар ҳам беҳисоб бўлғай.
Ҳикоятхон:
Кўксимдаги муҳаббат ўти шарораликдур,
Ҳар дамда мавж урса, диллар кабоб бўлғай.
Абдулла:
Ҳажрингнинг достонин ёзсам адо бўлурми,
Бирлаб китоб эмас, минглаб китоб бўлғай.
Ҳикоятхон:
Мунча ширин сўзингиз, магар масеҳ эрурсиз,
Жонсиз танимда лаззат жондек шароб бўлғай.
Абдулла:
Зулфинг қаросидин ойдек юзингни кўрсат,
Токи, бу дардмандинг масту хароб бўлғай.
Ҳикоятхон:
Меҳру муҳаббатингиз сийнамда нақш бўлса,
Тасвирингиз дилимда чун офтоб бўлғай.
Абдулла:
Ишқ ичра сабрсизлик охир бу ҳола етди,
Бир кўрмасам жамолинг менга азоб бўлғай.
Ҳикоятхон:
Ишқ-муҳаббатингиз албатта сир тутингиз,
Эл ичра фош бўлса, сизга итоб бўлғай.
Абдулла:
Токайгача бу сирни эл ичра фош қилмай,
Кундан-кун иштиёқим гар беҳисоб бўлғай.
Ҳикоятхон:
Ишқ ичра ҳар икковни мақсадимиз бир эрур,
Мақсадда бўлса бирлик, ул бехилоф бўлғай.
Абдулла:
Ҳижрон азоби ичра мақсад эрур висолинг,
Бу мақсудим ҳақиқат ёки сароб бўлғай.
Ҳикоятхон:
Сизга айтур Ҳикоят сабру таҳаммул айланг,
Арз айлайин дадамга, яхши жавоб бўлғай.

Аммо, афсуски, икки ёшнинг висол онлари узоққа чўзилмайди...

Ёш Абдулла Гулшаний Бухорода Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Файзулла Хўжаев, Ҳамза Ҳакимзода билан танишиб, “Ёш бухороликлар” ташкилоти ва жадидлар ҳаракатининг фаол аъзосига айланган. Амирлик айғоқчилари 1919 йилнинг баҳорида уни отасининг уйида қўлга олиб, Шаҳрисабз беги Саид Акромхон тўранинг зиндонига ташлайди. Абдулла зиндондалигида қора ниятли кимсалар Ҳикоятхонга “Абдуллани зиндонда осиб ўлдиришди”, деган хабарни етказишган. Севганидан айрилган ўн тўққиз ёшли сулув келинчак заҳар ичиб, жонига қасд қилади.

Абдулла Гулшаний Ҳикоятхонга бағишлаб кўплаб ўтли ғазаллар битади.

Мен ул ой ҳусну жамолин кўрмасайдим, кошки,
Бир кўриб Мажнуни шайдо бўлмасайдим, кошки,
Фурқатий ишқ ичра бундоғ куймасайдим, кошки,
Ғурбату дард ичра бундоғ тўймасайдим, кошки,
Ё ани кўрган билан ҳам суймасайдим, кошки...

* * *

Энди Абдулла Гулшанийнинг кейинги тақдирини баён этсак.

Ҳокимият советлар қўлига ўтгач, у узоқ йиллар Қарши, Самарқанд, Наманган, Бухоро вилоятларининг чекка туманларида турли лавозимларда ишлади. Қоракўл тумани “Чорвадор” газетаси муҳаррири ҳам бўлди. 1941 йилдан 1978 йилнинг 28 декабрига қадар Қамаши шаҳрида яшади ва 80 ёшида вафот этди.

Абдулла Гулшанийни 1962 йилда Тошкентга ЎзФА Тил ва адабиёт институтига ишга таклиф этишган. У қисқа муддат ичида Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи манзума” асарини форсчадан ўзбек тилига таржима қилади. Шунингдек, Алишер Навоий қаламига мансуб “Мажолис ун-нафоис” асаридан 1000 байтни, “Хазойин ул-маъоний” асаридан 600 сатрли муаммони ечади. Бундан ташқари, Нишопурийнинг “Муаммо фани қоидалари ҳақида” китобидан 6654 сатр, “Муаммо қоидалари” рисоласидан 1340 сатр, “99 номли муаммо” китобидан 650 сатр муаммоли шеърни ўзбек тилига ўгиради.

Гулшаний домладан бизга 2 жилддан иборат “Гулистони Гулшаний” девони, 3 жилддан иборат форсийда битилган шеърлар тўплами, ўзининг муаммо ва чистонлари жамланган “Муаммиёт” асари, “Тўю тўёна”, “Ариза”, “Кунларим” достонлари мерос бўлиб қолган. Шоирнинг жами 16 минг 854 мисрадан иборат адабий мероси Тошкентда қўлёзмалар институтида сақланмоқда.

* * *

Адиб Саъдулла Сиёев 1971 йилда Қамашига келиб, Абдулла Гулшаний билан суҳбат қурган ва “Ҳукуматнинг авлиёси” деган бадиа ёзиб, “Гулистон” журналида эълон қилган. Саъдулла Сиёев: “Шунча қўлёзма китоблар ёзибсиз. Буларни бирор ерда бостирсангиз бўлмасмиди?” – деб сўраганида, Гулшаний: “Мана, оққа кўчириб, тайёрлаб қўйдим. Кимга керак бўлса, чиқариб олар”, деб жавоб беради.

* * *

Қамаши шаҳри яқинида Қамай деган қишлоқ бор. Қишлоқ ўзининг достончи бахшилари ва тилими тилни ёрадиган қовунлари билан машҳур. Дарвоқе, бу макондан таниқли жарроҳ, шоир ва адиб, тиббиёт фанлари доктори Жуманазар Бекназар етишиб чиққан. Қамайликлар Абдулла Гулшаний қаламига мансуб “Кўрдим Қамайда бир пари” шеърини ҳамон тўйларда, базмларда айтиб юришади.

Кўрдим Қамайда бир пари, ҳайронидир ёши-қари,
Кетди равон уйи сари, бир гавҳари кимё экан.
Овораси бўлдим нетай, қайга бошим олиб кетай?
Асло Қамай бормай кетай, бир фитналик наво экан.
Ишқин ани мен мубтало, қилмай дедим кўнглимга жо,
Бўлмас экан, во ҳасрато, мумкин эмас савдо экан.
Боз кўрсайдим ани жоним, нисор этсам эди қани,
Олам деган бу Гулшаний, бир ошиқу шайдо экан.

* * *

Абдулла Гулшанийнинг шогирди, журналист, шоир ва адиб Абдивой Раҳим туман газетасида ишлаб юрган кезларида шоир билан кўп бора учрашиб, хотираларини ёзиб олган. Орадан йиллар ўтиб, унинг елиб-югуришлари туфайли Абдулла Гулшанийнинг “Алвидо” номли ғазаллар тўплами ва “Абдулла Гулшаний” номли хотиралар китоби нашр этилди. Устозининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўнлаб мақолалар, “Тонгда сўлиган лола” номли пьеса ёзиб, чоп эттирди. Кунларнинг бирида у киши қўлимга бир нечта варақ тутқазиб деди:

– Шуларни компьютерда кўчириб берсанг, биласанми, янаги баҳорда Абдулла Гулшаний бобонинг туғилганига 120 йил тўлади. Шаҳрисабз ҳокимига хат ташламоқчиман. Ахир, Шаҳри Кеш – алломанинг туғилган шаҳри. Бир ўйлаб кўришар…

Орадан анча кунлар ўтиб, домлани яна учратиб қолдим.

– Машина ёллаб, Шаҳрисабзга бордим. Афсус, ҳоким қаёққадир кетган экан. Ёрдамчисига хатни ташлаб, тайинлаб келдим. Бирор натижа бўлиб қолар…

Абдулла Гулшанийнинг мероси ҳали ўрганилган эмас. Кунларнинг бирида ЎзФА Абу Райҳон Беруний номли шарқшунослик илмий текшириш институти катта илмий ходими, қатор ўқишли китоблар муаллифи Абдусаттор Жуманазардан бу ҳақда сўраганимда, у шундай деди:

– Абдулла Гулшаний ажойиб ғазалнавис шоиргина эмас, етук олим ва таржимон, ислом илмининг билимдони бўлган. Унинг илмий-адабий меросини бир нечта олимлар ўрганган. Аммо бу меросни кенг оммага етказиш, яъни, китоб қилиб чоп этишга қолганда, маблағ масаласи муаммо бўлиб турибди...

Ҳа, Абдулла Гулшаний Қашқадарё воҳасидан етишиб чиққан етук ижодкор эди. У киндик қони тўкилган Шаҳрисабзни бир умр соғиниб яшади ва тақдир ҳукми боис, Қамашида умргузаронлик қилди. Аллома ижодини элнинг маънавий меросига айлантириш ҳақида аввало шаҳрисабзлик ва қамашилик мутасаддилар жон куйдиришлари лозим, деб ўйлаймиз.

Ўролбой ҚОБИЛ

КЎРГАЗМА

САНЪАТ ва СУНЪИЙ ОНГ УЧРАШУВИ



Жорий ҳафтада пойтахтимиздаги “Академия” галереясида Ўзбекистон халқ рассоми, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Жавлон Умарбековнинг “Абсурдлар” номли кўргазмаси бўлиб ўтди. Санъат арбоби таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан тақдим этилган асарлар муаллифнинг замонавий дунёга муносабати ва инсон тафаккуридаги эврилишлар хусусидаги мушоҳадаларини акс эттиргани билан эътиборлидир.

АКСДАГИ АСЛ КИМ?

Бугун инсон ҳаётига кириб келган сунъий онг нафақат меҳнат жараёни, ахборот олиш ва мулоқот усулларини, балки фикрлаш тарзимизни ҳам ўзгартирмоқда. У матн ёзади, тасвир яратади, мусиқа басталайди, саволларга жавоб бера-



ди, қарор қабул қилишда кўмаклашади. Бироқ у нимани англайди? Унинг имкониятлари қаергача боради? Инсон ўзи яратган ақл билан қандай муносабат ўрнатиши керак?

Жавлон Умарбеков бу саволларга тайёр жавоб беришга шошилмайди. “Мен сунъий интеллектни на таҳдид, на нажот деб қабул қиламан. Мен учун унинг ҳаётимизга қандай кириб келаётгани ва унинг тузилишини сезилмас тарзда ўзгартираётганини кузатиш қизиқроқ”, деб ёзади рассом кўргазмага илова қилинган каталогда. Рассом замонавий технологияларни инсониятнинг минг йиллик тафаккури, афсоналари ва маданий хотираси билан қиёслайди. Натижада ўтмиш ва бугун, табиий ва сунъий, инсон ва машина ўртасидаги мураккаб муносабатлар ранглар, образлар ва рамзлар орқали намоён бўлади.

“Сўнгги нигоҳ” асарида қадимги юнон мифологиясининг машҳур қаҳрамони Нарцисс образи замонавий технологик муҳит билан боғланади. Маълумки, Нарцисс сувдаги ўз аксини кўриб, унга маҳлиё бўлиб қолади. У ўзини кузатар экан, асл ва акс ўртасидаги чегарани йўқота боради. Умарбеков талқинида эса қаҳрамон қаршисида улкан орбитал станция пайдо бўлади. У бир вақтнинг ўзида машина, қалъа ва янги онг тимсолини эслатади. Рассом бу образ орқали сунъий интеллект ўзини инсон деб ўйлаётганини таъкидлайди. Ахир, унинг хотираси, билими, тили ва хатолари ҳам инсон томонидан яратилган-ку. У бизнинг маълумотларимиз асосида ўрганади, фикрлаш услубимизни ўзлаштиради. Бироқ вақт ўтиши билан инсоннинг ўзи ҳам машина жавоблари, тавсиялари ва қарорлари орқали дунёга қарай бошлайди.

Шунда қизиқ бир савол туғилади: машина инсоннинг аксими ёки инсон тобора машинанинг аксини кўра бошлаяптими? “Мен бу ерда ким асл, ким акс эканини билмайман. Балки бир пайт келиб бу саволнинг ўзи аҳамиятини йўқотар”, деган мазмундаги рассом мушоҳадаси асарнинг фалсафий моҳиятини очади.

ҚЎРҚУВМИ ЁКИ РАҚИБ?

“Мутафаккир” асарида инсон ва машина бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Машина экранлар, ҳисоблаш тизимлари ва ахборот муҳити билан қуршалган. Инсон эса унинг қаршисида ўз тафаккури ва англаш қобилияти билан намоён бўлади. Рассом инсон бир фикрга келиш учун йиллар сарфлаши, машина эса бир сонияда миллионлаб вариантларни таҳлил қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Аммо тезлик ҳали англаш дегани эмас.

“Рақс алгоритми” асарида ҳам ана шу муаммо бошқа бир бадиий образ орқали ифодаланади. Қадимги Ҳинд фалсафасида оламнинг ҳаракати, яратилиш ва вайрон бўлиш жараёнлари билан боғлиқ Шива рақси замонавий алгоритмлар билан ёнма-ён келади. Бу ерда ҳаракат, ўзгариш ва янгиланиш рамзи бўлган қадимий образ замонавий технологиялар билан уйғунлашади. Рассом учун муҳим масала: ташқи ритм қанчалик тезлашмасин, инсон ўзининг ички марказини сақлаб қола оладими?

“Сўнгги истак” асарида Оловуддин ва жин ҳақидаги қадимий афсона замонавий маъно касб этади. Рассом жин образини инсоннинг ҳали ўз хоҳишларини бошқаришни ўрганмаган ҳолда, уларнинг ижросини талаб қилиши билан боғлайди. Бугун сунъий интеллект ҳам кўплаб сўровларга жавоб беради, ечимлар таклиф қилади, башорат-



лар қилади ва инсон топшириқларини бажаради. Бироқ унинг муҳим хусусияти бор: у берилган топшириқни бажариши мумкин, аммо унинг ортидаги инсонга хос маънони англаши шарт эмас.

“Рақиб иллюзияси” асарида Дон Кихот ва Санчо Панса образлари орқали инсоннинг номаълум нарсага муносабати ёритилади. Дон Кихот тегирмонларни девлар деб қабул қилгани каби, бугун ҳам инсон сунъий интеллектга турлича муносабатда бўлмоқда. “Қўрқув кўпинча воқеликдан кўра аниқроқ манзара чизади”, деган иқтибос бу асарнинг энг муҳим хулосаларидан биридир.

Шунингдек, “Қочқинлар” асарида ҳам инсон ва алгоритм муносабати бошқа бир нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Инсон сунъий интеллектга йўл танлашни ишониб топшириши мумкин, аммо алгоритм кўплаб йўналишларни кўрсатгани билан уларнинг қайси бири ҳақиқатан тўғри эканини инсон ўрнида ҳал қила олмайди. Рассом бу борада шахсий танлов ва мустақил нигоҳни сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлайди.

ЖАВОБ ЭМАС, САВОЛ МУҲИМ

Кўргазма каталоги саҳифаларида “Ғалаба коди”, “Кечирим қиёфалари”, “Ақлли инсондан кейин” ва “Ўзимга мактуб” каби асарлар номлари ҳам учрайди. Уларнинг номланишидаёқ инсоннинг ўзлиги, келажак, хотира, маънавий танлов ва ўз-ўзи билан мулоқот қилиш каби кенг мавзуларга ишора бор. Айниқса, “Ақлли инсондан кейин” номи инсон цивилизациясининг кейинги босқичи ҳақида ўйлашга ундайди.

Жавлон Умарбековнинг “Абсурдлар” кўргазмасидаги энг муҳим жиҳат шундаки, рассом томошабинга муайян хулосани сингдиришга уринмайди. Унинг учун бугунги даврнинг энг муҳим ҳодисаси – инсон ва ўзи яратган янги онгнинг учрашувидир. “Мен жавоб изламайман. Саволнинг қандай ўзгараётганини кузатаман”, дейди муаллиф.

“Абсурдлар” – бу фақат сунъий интеллект ҳақидаги кўргазма эмас. Бу инсоннинг ўзи яратган дунё олдидаги масъулияти, тезлашиб бораётган замонда ўзлигини сақлашга интилиши ва келажак билан юзлашуви ҳақидаги бадиий мулоҳазалардир. Эҳтимол, кўргазманинг энг муҳим саволи ҳам шу: биз янги онг яратяпмиз, аммо унинг қаршисида ўз инсонийлигимизни сақлаб қолишга қанчалик тайёрмиз?

Муяссар ИБРОҲИМОВА

ТАҚДИМОТ

Улуғ жадид Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи жорий йилда Теҳрон шаҳридаги “Хирадгон” нашриётида “Рўзгори гузашта” номи билан чоп этилгани ҳақида хабар берган эдик. Куни кеча Абдулла Қодирий уй-музейида мазкур муҳташам нашр тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда адибнинг невараси Хондамир Қодирий, таржимон – Ўзбекистон ва Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Юнус Имомназар, Эрон Миллий кутубхонаси ва дипломатик корпус вакиллари ҳамда адабиётшунослар иштирок этди.



“ЎТКАН КУНЛАР” БУГУНГИ КУНИМИЗДА

“Ўткан кунлар” сингари ўзига хос бадиий услуб, тарихий атамалар, миллий колорит ва халқона ибораларга бой асарни бошқа тилга ўгириш таржимондан катта масъулият ва чуқур билим талаб этади. Айниқса, Қодирий ижодига хос нозик киноя, образлар руҳияти, давр манзараси ва ўзбекона ибораларнинг мазмунини бошқа тилда тўлақонли ифодалаш осон эмас. Мутаржим Юнус Имомназарнинг таъкидлашича, у роман таржимаси устида тўрт ой давомида иш олиб борган, унга тайёргарлик учун эса бир неча йиллар сарфланган.

Тадқиқотчи Далершоҳ Неъматов ушбу таржима ҳақида шундай дейди: “Таржиманинг тили равон бўлиб, ўқувчининг завқига мос келади. Кўп ҳолатларда таржимон сўзма-сўз таржимадан ўзини тийиб, бундан кўра ҳис-туйғулар, ижтимоий муҳит ва муаллифнинг услубини етказишга уринган. Бу усул “Ўткан кунлар”нинг ҳам лингвистик, ҳам эстетик хусусиятларини намоён қилади. Юнус Имомназарнинг таржима маҳорати нафақат асл мазмунга содиқликда, балки адабий ва эстетик фазони яратишда ҳам намоён бўлади, бу эса ўқувчини қаҳрамонлар ва роман муҳити билан улар яшаган вақт ва маконда бирлаштиради. Қувонарли жиҳати, “Ўткан кунлар” романи мазкур таржима орқали дунё миқёсида кенг тарқалиб, мухлислари сони янада ошади. Чунки форс тилида сўзлайдиган миллионлаб аҳоли дунёдаги кўп китоб мутолаа қиладиган халқлар сафига киради”.

Тақдимот давомида адабий ҳамкорлик йўналишлари ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, Теҳрондаги “Китоб боғи” Эрон Миллий кутубхонаси вакиллари икки мамлакат ижодкорлари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатиш, ўзбек ва форс ёзувчиларининг бир-бирлари билан яқиндан танишиши учун имкониятлар яратиш юзасидан таклифларини билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Эрон ёзувчиларининг асарларини ўзаро таржима қилиш, уларни икки мамлакат китобхонларига етказиш ҳамда адабий мерос алмашинувини кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Аббос ШОЙИМОВ

ЯНГИ КИТОБ

ТАРИХ ПАРЧАЛАРИ

“1865 йилда Тошкентни босиб олган чор қўшини жанубга кўз тикди, 1867 йилда ёнгинадаги Ховосни эгаллаб, Самарқандга қараб силжиди. Мамлакат босқинчи оёғи остида қолди... Нормуҳаммад ҳожи қаттиқ ташвишга тушди”...

Бундан сўнг ўтган асрнинг 30-йилларини тасаввур қилинг. Андижонлик Эгамназарбой “қулоқ” қилиниб, Украинанинг Херсон вилоятига сургун бўляпти. Шу ерда қизиқ ҳодиса рўй беради. Акаси Бекназар сўфининг ўғли Раҳматқул: “Эгамназарбой амаким узоқ ерларга кетяпти, ўғли йўқ, унга кўмакчи керак. Жойи жаннатда бўлгур отам бир куни, кенжа ўғлимни сенга ўғил қилиб бераман, деганларини ўз қулоғим билан эшитганман”, дея йигирма икки ёшли укаси Аҳмадқулни қўшиб юбормоқчи бўлади – “Ҳам отамнинг айтганини бажарамиз, ҳам амакимга шерик бўлади, дастёрлик қилади, қарашади мусофир ерларда...” Оқибатни қаранг, “қулоқ” бўлган амакига навқирон йигитни қўшиб юборишмоқчи.

“Катта Фарғона канали қуриларкан... Қушқўноқ қишлоғининг ёнидан ўтармиш. Бизнинг колхозга Қушқўноқ билан Гумхона қишлоқлари ўртасидан жой тегибди. Қазир экканмиз. Эртага бориб ўша ерни кўриб келаман... Кейин хотину эркак, бутун колхоз кўчиб борамиз. Вазифа қатиқ...” Кейин эса кутилмаганда уруш бошланди. “Раҳмат раис йигитларни фронтга жўнатиш ташвишлари билан қўл-оёғи боғланганди. Военкоматдан сўрашиб, одамнинг ҳолжонига қўйишмайди. Чақириқ борса, уйидан қочиб кетадиганлар ҳам чиқиб қоларди... Ўттиз икки ёшли отам урушга жўнаш ҳақида ўйлай бошлади”. Фақат раисга айтдики, “Баҳри холага ёрдам беринг... Шу бечоранинг боласини олиб қолинг, ака! Унинг ишини ҳам бизга буюринг!” Кейин-чи? “Бир пайтлар юз кило юкни дадил елкага кўтара олган, писанд қилмайдиган паҳлавон отам, энди рамақижон ҳолда, озиб кетган, ногирон бўлиб Бешкалга қайтиб келди”. Хўш, шу билан ҳамма нарса “омон-омон” бўлиб кетдимикан? Қайда, дейсиз. “Отамнинг пешанасида бор экан, жўжабирдай оиласидан айрилиб, Сибирь деган Худо қарғаган совуқ жойларда Кемерова вилоятининг Сталино шаҳрида қамоқ муддатини ўтай бошлади...”

“Тошкентда кўп бинолар қурилди, улар зилзилада бошпанасиз қолган оилалар учун бунёд қилиниши белгилаб қўйилганди. Лекин кўп уйларга ёрдам беришга келган қурувчиларнинг ўзлари жойлашиб олганлари ҳам маълум бўла бошлади”. “Юрт бошига балолар ёғилишда давом этарди... Шароф Рашидов вафотидан кейин (бу сиймо юртга бир қалқон соябон бўлиб турганлигини кейин билдик) “Ўзбек иши”, “Пахта иши” деган уйдирма, туҳматлар бошланиб кетди”...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али қаламига мансуб “Умрлар гулшани” асарини ўқир экансиз, ҳар бир инсон тақдири ўзи мансуб бўлган халқ тарихи билан чамбарчас боғлиқ эканини яна бир бор англаб етасиз. Адибнинг ўз ҳаёти, аждодлари, оиласи ҳақидаги ҳар бир лавҳа сизга таниш туюлиши ҳам шундан. Бир сулола тақдирига хос бўлган воқеалар халқнинг умумий тарихини тўлдирувчи муҳим фрагментлардир. “Роман-эссе реал воқеаларга, аниқ ҳужжатларга асосланган”, дея эслатиб ўтади муаллиф. Китобнинг ҳар бир сатрида тарих хулосалари билан бирга, бағрикенг ва меҳнаткаш, содда ва олижаноб халқимизга бўлган самимий меҳр туйғулари яққол сезилиб туради.

“Эркин бува ўша Хизрни қидирарди. Агар бир одам билан бир кунда икки марта учрашса ҳам, ҳар сафар барибир бошмолдоқни текшириб кўрарди... Мен билан кўришганда ҳам бува неча бор бошмалдоғимни маҳкам сиқиб кўрган, лекин мендан Хизр чиқмаган”, дея лутф қилади муаллиф бир ўринда. “Бешкал” номи билан боғлиқ қишлоқ ҳазилларига эътибор беринг: “Одам Ота билан Момо Ҳавонинг энг суюмли фарзандларигина каллик мартабасига эришганлар”, “Кўплар қандай кал бўлсам экан, деган орзуда юради. Калликни ҳам Худо беради! Ҳамма ҳам бунга эришавермайди”, “Ўша ақлли одамнинг кимлигини суриштириб кўрмадингизми?.. Суриштириб кўринг, ўша албатта кал бўлиб чиқади”... Бу сўз ўйинларида кимнингдир устидан кулиш эмас, асло, аввало, қадрдон қишлоққа бўлган фарзандлик муҳаббати мужассам эканини сезасиз.

“Отам пиширган ош” лавҳаси ҳам ўқувчига завқ беради. Ота фарзанд ва набиралар жам бўлганидан шодланиб, “ўзим бир ош пишириб берай”, деб қолса-ку. Топшириқлар бошланди: “ўғлим, сен ўт ёқ”, “қизим, сен пиёзни тайёрла”, “сен сабзини тўғра”, “сен гуручни тозала”, “сен қозонни қўзғаб тур”, “сувни сол”, “ўтни торт”, “тузини кўриб бер”... Хуллас, ошпаз қозон қолиб, нақ дунёни қовуриб юборай дейди. Ҳеч кимда тин йўқ. Бир пайт ота капгирини тополмай қолди. Қозонда гўшт куйиб кетай деб турибди. Ана энди кўринг томошани. Ҳамма саросимада. Ниҳоят, капкир топилди – ошпаз уни ўзининг белбоғига қистириб олган экан. Ота енгил тортиб жилмайди: “Яхшики, шу ерга қўйибман, бўлмаса, йўқолиб қолиши аниқ эди”. Бутун уй аҳли аралашган ош тайёр бўлди. Ота онага айтдики, “энди ошни ўзинг суз, катта чарх товоққа солгин”. Ош мазали чиққан, ҳамма отага мақтов айтди. Ота ҳам мамнун деди: “Ўзинг пиширган ошга не етсин!..”



Таниқли адибимиз Муҳаммад Алининг ўз аждодлари, ота-онаси тақдирига, шу асно халқимиз тарихига атаб битган қизиқарли асари – “Умрлар гулшани” роман-эссеси “Янги аср авлоди” нашриётида минг нусхада нашр этилди.

Нигина ИСКАНДАРОВА

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 076
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 509
Лотин ёзувида – 11 567
Медиа кузатувчилар – 90 284
Буюртма: Г – 1139
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Масъул котиб: Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муҳайё Рустамова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (93) 636-72-32
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.

www.jadid.uz

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ